

Adabiyot, madaniyat yashasa — millat yashaydi

O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA’NAVIY-MA’RIFIY, IJTIMOIY GAZETA

2023-yil 3-fevral / № 4 (4715)

9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун

Сирожиддин САИИИД,
Ўзбекистон халқ шоири

«СЕН ЎЗИНГ БЎЛҒИЛ ҲАБИБ...»

Мухаммас

Суръатидин вақтнинг кундин-кун ошди ҳайратим,
Рост келмас эмди умрим суръатига фурсатим,
Лолу ҳайрон бўлмангиз кўргач бу ҳолу суратим,
То йигит эрдим қариларға кўп эрди хидматим,
Қариған чоғда йигитларга оғирдур суҳбатим.

Эврилиб барги хазон бўлмиш баҳору ою йил,
Ўткан ою йиллар олдида туриб дирман хижил,
Бевафолиғлардин ўлдум бир умр зору залил[1],
Не учун бўлдум кичик ёшлиғлар ичра кўп сақил[2],
Гарчи кўп зоҳирдурур синн касратидин хиффатим[3].

Менга йилдан-йилга меҳнат кўпу афзундир азоб,
Неча орзулар аро йўлларда қолмиш бежавоб.
На биров кўнглум кўтаргай, на юпанч бергай шароб,
Ваҳки, дамдин-дамға мендин ёрларға ижтиноб[4],
Гарчи кундин-кунга ортуқдур аларға улфатим.

Кема янглиғ ҳажр уммонида умрим чайқалар,
Не аёнимдин нишону не нишонимдин асар.
Мажлисоро дўстлар мастоналиғлар қилсалар,
Гар тааммул[5] айласам воқиъ, муҳиқдурлар[6] алар,
Не учунким ҳеч қолмайдур аларға нисбатим.

Беқарорликдин бирор он топмадим ҳаргиз қарор,
Бу умрнинг шарҳлари Сайҳуну Жайҳунларча бор.
Юзларингни эмди мендин, майли, беркитгилки ёр,
Мушк чун кофур бўлди – ёғди ўт устига қор[7],
Хатти мушкин[8] бирла ўтлуқ юзга нетсун рағбатим.

Чун турибдирман бу он бағрим ярою сийна чок,
Ёртидин озроқ бутунроғу бутундин ёртироқ.
Айлади охир мени бу сарвқадлилар ҳалок,
Боғ аро сарви сиҳи[9] ёнида кўрдум эски ток,
Бўлди туз бўйлуғлар[10] ичра хам қадимдин ибратим.

Келмагандинг сен зиёфат ё тижорат қилғали,
Келган эрдинг асли беш кунлик зиёрат қилғали,
Янги ой чиқмиш бу кеч такрор ишорат қилғали,
Эй кўнгул, тут гўшае эмди ибодат қилғали,
Қилмоқ истар бўлсанг эллик йилғи бўлған ҳурматим.

Не қилойин, не билан эллик баҳор божин тўлай?
Билмағайман ки, бу ёшда йиғлайинму ё кулай.
Барча сомон ўлди, эй ишқ, мен сенинг хокинг ўлай,
Чунки эллик манзил ўтти умрдин, сокин бўлай,
Не учунким эмди йўқ суръат қилурға қувватим.

Икки соҳилдекману, ул бетга ҳам бул бетга мен,
Эҳтимолдур – етмагайдурмен ва ёким еткамен.
Барча кетган ул абад манзилга мен ҳам кеткамен,
Неттим эллик йилда жуз[11] исёнки, эмди неткамен,
Ёна эллик йилғача туттумки, бўлса муҳлатим.

Куз аро япроқ кибиман, титрагайман сарғариб,
Бу фано тупроғидин ўтдум ўзумни ахтариб,
Зору гирён дамларимда сен ўзинг бўлғил ҳабиб,
Лутф этиб, ё Рабки, имон бойлиғи қилғил насиб,
Ким ҳалок этмиш амал муфлислиғидин[12] хижлатим[13].

Бору йўғим айлабон савдоларинг йўлида харж,
Эй умр, бошим уза шоми фироғинг қилса авж,
Йўқдур Онинг меҳру эъзозидин ортуқроқ ганж –
Эй Навоий, ғам емаким, баҳри ғуфрон[14] урса мавж,
Тенгри лутфидин не мумкин жуз умиди раҳматим.

---

1. Залил (араб.) – хор, хорлик
2. Сақил (араб.) – оғир, вазмин
3. ...синн касратидин хиффатим (араб) – ёшим катталигидан енгилтаклигим
4. Ижтиноб (араб.) – узоқлашмоқ, четланмоқ
5. Тааммул (араб.) – чуқур ўйламоқ, мулоҳаза қилмоқ
6. Муҳиқ (араб.) – ҳақ
7. Мушк чун кофур бўлди – ёғди ўт устига қор – мушк (қора) оқ бўлди, оқарди. Сочнинг оқариши – ўт устига қор ёққан мисол
8. Хатти мушкин (араб, форс) – мажозий. Лаб устидаги қора туклар
9. Сарви сиҳи (форс.) – қадди-басти келишган гўзал
10. Туз бўйлуғлар – рост қадликлар
11. Жуз (араб.) – бошқа, ўзга, бўлак
12. Муфлис (араб.) – камбағал, бечора
13. Хижлатим (араб.) – хижолатлик, уялиш
14. Баҳри ғуфрон (араб.) – кечирим денгизи. Худонинг кечирим денгизи

Шуҳрат СИРОЖИДДИНОВ,
филология фанлари доктори, профессор


УЛУҒ ШОИРНИНГ УСТОЗЛАРИ

Алишер Навоийнинг бадиий маҳорати билан дунёқараши ва билим доирасининг кенглиги унинг серқирра ижодида баралла кўриниб туради. У нафақат ўзигача мавжуд барча адабий анъаналар, тур ва жанрлардан маҳорат билан фойдаланди, балки уларни такомиллаштиришга ҳаракат қилди. Шунингдек, асарларининг юксак фалсафий маъно-моҳиятидан унинг фақат исломий илмлар эмас, балки турли Шарқ диний-фалсафий таълимотларидан чуқур хабардорлиги, уларнинг асосларини яхши билган мутафаккир экани англашилади.

Достонларининг ҳамду наътларида Яратувчи Зот ва Коинот қонуниятлари, Олам ва одамнинг яратилиш эволюцияси ҳақида гапириш, Қуръони карим оятларининг чуқур илмга асосланган шеърий тафсири Алишер Навоийнинг фавқулодда буюк идрок соҳиби эканидан далолатдир. Унинг шеъриятини таҳлил қилиш инсондан катта ва ҳар томонлама кенг билимларга эга бўлишни тақозо этади. Албатта, ҳар бир тадқиқотчи унинг шеъриятини ўз билим доираси даражасида таҳлил ва талқин қилади. Кимдир диний, кимдир дунёвий, яна кимдир шоир тафаккурининг чуқур маъно қатламларига киришга, мутафаккир даҳосининг илоҳиёт билан боғлиқ концепциясини англашга уринади. Ҳеч бир талқинни рад этиб, қайтариб бўлмайди. Фақат ёндашувлар турлича ва бу табиий. Алишер Навоий шеърияти таҳлили ва талқини ўз даврида ҳам кенг баҳсларга сабаб бўлган. Ўтган олти асрдан шу кунларгача ҳам унинг дунёқараши ҳақида хилма-хил қарашлар яшаб келмоқда. Шоирнинг ўта исломий ақидаларга содиқ бўлган ҳолда бошқа диний таълимотларга ижобий муносабати, сўфия тариқатларига ўзига хос ёндашуви ҳали-ҳануз кўпгина олимларнинг ўзаро тортишувига сабаб бўлиб келмоқда. Бу ҳаммаси, яна бир карра Алишер Навоий валий зот экани, замондошлари эътироф этганидек, Яратувчи Зот уни ладун илми билан сийлаганига ишонч туғдиради. Бу илм ўз-ўзидан кашф бўлмайди. Унинг калити устозлар сабоғи орқали қўлга киритилиши маълум. Агар биз Навоийнинг ҳаёт йўлига диққат қиладиган бўлсак ва унинг ўзи ўз хотираларида тилга олиб ўтган устозлари сабоқларига эътибор берсак, Алишер Навоийни ёшликдан қандай саволлар қийнагани ва уларга жавоб излаб қайси устозлардан таълим олгани ҳақида бирмунча тасаввур олишимиз мумкин.

Алишер жуда ёш чоғидан шеърият шайдоси эди. 3–4 ёшлигида Қосим Анворнинг “Риндему ошиқему жаҳонсўзу жомачок, Бо давлати ғами ту зи фикри жаҳон чи бок” байтини айтиб меҳмонларни лол қолдиргани тарихдан маълум.

4



Тадқиқот, ахборот

НАВОИЙ ДЕВОНИНИНГ АМЕРИКА ҚЎЛЁЗМАСИ

Ушбу мақолада Алишер Навоийнинг Нью-Йорк шаҳридаги Метрополитен музейида сақланаётган девони қўлёзмаси ҳақида сўз боради. Мазкур девон машҳур хаттот Султонали Машҳадий томонидан 905/1499 – 1500 йили Ҳиротда кўчирилган. Девон Навоий ва Машҳадий ўртасидаги сўнгги ижодий ҳамкорлик натижаси сифатида аҳамиятлидир. Қуйида девон таркибига доир мулоҳазалар билдирилган.

Алишер Навоийнинг энг сўнгги қўлёзма девони Султонали Машҳадий Ҳирот шаҳрида 905/1499 – 1500 йили кўчириб тугаллаган. Мазкур қўлёзма ҳозирда Нью-Йорк шаҳридаги Метрополитен санъат музейида сақланишидан хабаримиз бор эди. Аммо уни кўриб, таркиби билан батафсил танишишга эндиликда муваффақ бўлинди. Навоий ҳам мана шу қўлёзма кўчирилган даврда Ҳирот шаҳрида бўлгани ҳамда 1501 йили 3 январда дунёдан ўтгани ҳисобга олинса, бу шоирнинг ўзи кўрган, девоннинг тартиб берилиши жараёнида Султонали Машҳадий билан қилган энг сўнгги адабий ҳамкорлиги натижаси бўлиши эҳтимоли катта. Мазкур жиҳат қўлёзманинг илмий аҳамиятини оширади.



Ниҳоят, кўпдан бери орзу қилинган мақсадга етиш имкони пайдо бўлди: Навоий умри сўнгида кўчирилган айни девон қўлёзмаси билан танишиш шарафига Америка Қўшма Штатлари Метрополитен музейи илмий стипендиясини қўлга киритиш орқали муяссар бўлдик. Мазкур мақоламизда шу қўлёзма хусусиятлари ҳақида дастлабки маълумотларни келтиришга ҳаракат қилдик (бундан кейин мақоламизда мазкур девонни шартли равишда Метрополитен девони, деб атаймиз).

Бу қўлёзма ҳақида Ҳамид Сулаймонов биринчилардан бўлиб 1961 йили тугаллаган диссертациясида маълумот берган эди. Олим қўлёзма таркибини жанрлар миқдори ва илк ҳамда охирги мисралар асосида кўрсатган. Лекин қўлёзмадаги “Зиҳи зуҳури жамолинг...” деб бошланадиган ғазал ўрнига мазкур девон “Ашрақат...” ғазали билан бошланади, деган (?!). Навоийга мансуб айни девон қўлёзмаси илмий жиҳатдан қисқа тавсифланган ва 1914 йили Америкада инглиз тилида чоп этилган каталог номини Ҳ.Сулаймонов диссертациясида келтирмаган. Афтидан, олим бу каталогдан фойдаланмаган ёки ундан бехабар бўлган.

Шунга қарамай, 1914 йилги каталог ва Ҳ.Сулаймонов маълумотлари кўриб ўтаётганимиз қўлёзманинг илк, умумий тавсифи сифатида ҳозирча ягона маълумот бўлиб турибди. Улар келтирган маълумотлар каталог тавсифи жанри доирасида ўз вазифасини бажарган. Биз учун эса қўлёзма ичидаги шеърлар ва улар матни ҳақида имкон қадар батафсил маълумот керак. Юқоридаги икки тавсифда келтирилишича, Навоий девони қўлёзмаси 240x150 мм. ҳажмга эга бўлиб, унинг таркибида 863 та шеър мавжуд. Булар: 818 та ғазал, 3 та мустазод, 1 та мухаммас, 4 та таржиъбанд, 31 та рубоий, 3 та қитъа, 3 та муаммо. Аммо шеърлар миқдори ҳақидаги маълумотларда айрим тафовутлар бор. Қўлёзма охирида колофон келтирилган бўлиб, унда кўчирилиш санаси, котиби ва кўчирилиш жойи ҳақида маълумотлар келтирилган: “Бу[асар]ни фақир Султон Али ал-Машҳадий, [Аллоҳ] уни гуноҳларини кечирсин, 905 йил ҳижрийда салтанат макази бўлмиш Ҳиротда кўчирди”.

Ҳамид Сулаймонов мазкур девонни “Терма девон” деб атаган. Бу девондаги нечта шеър “Хазойин ул-маоний”да келтирилганини кўрсатган: “Ғаройиб ус-сиғар”да – 149; “Наводир уш-шабоб”да – 316; “Бадоеъ ул-васат”да – 206; “Фавойид ул-кибар”да – 189.

4-5

ҚИЗИЛҚУМ ГУРУНГЛАРИ

Она юртимизда адабиёт ва санъат соҳасида амалга оширилаётган хайрли ташаббуслар дунёнинг бошқа бирор мамлакатида учрамаса керак. Вилоятлар, туманлар кесимида маҳаллама-маҳалла, керак бўлса, уйма-уй юриб одамларнинг қувончу ғамига шерик бўлиш, уларнинг кўнглини гўзал куй-қўшиқлар, ёниқ сўз билан янада чароғон этиш кундалик ишимизга айланди. Аҳолининг турли қатламлари орасида бўлиб, йилт этган истеъдод борки, пилигини кўтаришга – рағбатлантиришга ҳаракат қиляпмиз.

Бир гуруҳ навоийлик ижодкорлар ўтган йили Нурота шаҳридаги ногиронлиги бўлган эркаклар учун “Мурувват” интернат уйига тез-тез бориб, у ердаги 270 нафар ногироннинг ҳолидан хабар олиб туришди. Бир гал Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Нодир Жонузоқ “Маънавият карвони” билан эл суйган ижодкорларни бошлаб борди. “Мурувват” уйи кутубхонаси уюшма томонидан туҳфа қилинган китоблар ҳисобига бойиди. Айниқса, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Ғайрат Мажид, Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим, “Саодат” журнали бош муҳаррири Мунаввара Усмонованинг ташрифидан бу ердаги ҳаваскор қаламкашларнинг боши осмонга етди. Интернат уйи тарбияланувчиси Шоди Ражабовнинг соғинч, изтиробга тўла шеърдан кўзлар ёшланди. Унинг шеърларини тўплаб, китобини чиқаришни мақсад қилдик.

Нурота шаҳридаги “Миришкор” маҳалласида яшовчи Фотима ая эса бизни дуо билан қаршилади: “Илоё, юртимиз тинч бўлсин. Фарзандимга ҳам шифо ато этсин”, деди у қизи Насибанинг хонтахтага суяниб ўтиришига кўмаклашар экан. Онахоннинг айтишича, болаликдан бемор Насиба Насруллаева доим оила аъзолари даврасида, маҳалла-кўй, қариндош-уруғ тез-тез хабар олиб туради. Кўрсатилаётган меҳр-оқибатдан беморнинг кўнгли хотиржам. Насиба ажойиб шеърлар ёзаркан. Совға қилинган китобларни ҳаяжон билан қўлга оларкан: “Мен ҳам ўзимнинг шеърий тўпламимни чиқаришни орзу қиламан”, деди.

Ўндан зиёд етим болани қарамоғига олиб, ўз фарзандларидек оқ ювиб-оқ тараётган Дилбар опа ҳам меҳмонларни очиқ юз билан қаршилади. Хонадоннинг катта фарзанди Дмитрий ўзбекона лутф билан қўлини кўксига қўйиб ижодкорларни кутиб олди. Укалари Эсмиржон, Азизжон, Жасуржон ва сингиллари Сабрина, Умринисо билан таништирди. Суҳбат асносида болажонлар махсус автобусда қадимий обидаларни зиёрат қилишга боришгани, акалари Дмитрийнинг новвойхонага ишга киргани ва у ҳар куни иссиққина тандир кулчалар олиб келаётгани ҳақида тўлиб-тошиб сўзлашди.

Айниқса, Навоий шаҳрида истиқомат қилувчи иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, юз билан юзлашган Норбой бобо Казаков хонадонига ташрифимиз ёдда қолди. Бир гуруҳ ижодкорлар ҳарбийлар ҳамроҳлигида пиру бадавлат отахонни зиёрат қилиб, дуоларини олдик. Ватанимиз сарҳадларини ҳимоя қилишда жон фидо қилган Жонибек Ашуров эса, Нурота туманидаги “Мустақиллик” маҳалласида ўсиб-улғайган. Қаҳрамон аскарнинг ота-онаси ва укалари яшаётган хонадонда ҳам бўлдик. Отаси Жўракул ака бизга жигаргўшаси Жонибекнинг ҳарбий хизматдан йўллаган хатлари ва суратларини тутқазди. Ҳар бири китоб қилишга арзигулик эсдалик хатлари... Уларнинг тафти ҳануз кафтларимизни куйдираётгандек. Бугунги кунда Жонибек ўқиган мактабга унинг бюсти ўрнатилган. Ҳа, унинг жасорати улкан ибрат намунаси. Зеро, бу мактаб ўқувчиларнинг ҳаммаси Жонибекнинг укалари, сингилларидир. Улар аскар акаларидан ватанпарварлик сабоғини оладилар.

2

Тарих ва тақдир

«МЕН ЎЗБЕК ҚИЗИМАН»

Бир вақтлар ойнаи жаҳон орқали “Тафаккур ўйинлари” номли фильмни кўриб, математик олим оламини тасаввур қилишга уринган эдим. Фильм жуда таъсирли экан, масрур бўлдим, унинг ниҳоясида “Зулфия Назар... романи асосида суратга олинган” деган овоз янгради. Чиройли исм ёдимга муҳрланди ва мени бу ҳодиса (менда “Голливуд” киносалтанати унча-мунча нарсага эътибор бермайди, деган фикр бор эди) жиддий қизиқтириб қўйди.

Эътиборли манбалардан унинг насл-насабини “отаси ўзбек, онаси немис” эканини топдим. Бугун зуваласида ўзбек урпоғи бор кишилар дунёнинг турли бурчакларида умргузаронлик қилиб юрганлари ҳақида кўп эшитамиз. Уларнинг орасида сиёсий айбловлар билан бир пайтлар юртидан чиқиб кетган ёки қувғин қилинган зотларнинг авлодлари ҳам учрайди. Маълумки, чор Россияси босқинидан кейин улгурганлар хорижни ихтиёр қилган ва турли юртлардан паноҳ топишган. Жумладан, Германияга ўқишга юборилган жадидларнинг авлодлари, хонлар, амирларнинг зурриёдлари ва бошқа мусофирларни айтиш мумкин. Масалан, француз киносининг машҳур юлдузларидан бири, “Анжелика” туркумидаги фильмлар орқали яхши танилган Робер Осейн (1927–2020, аслида “Ҳусайн”)ни Бухоро амирининг авлодларидан бири дейишади, ва ҳоказо. Умуман, эндиликда ўрганилиши муҳим мавзулар, лекин Зулфия (яъни Сельвия) Назар ҳақида кўп нарсалар жамоатчиликка маълум экан.

Унинг отаси – Қўқонда, шоҳичи ҳунарманд оиласида туғилган Жамшид Умрзоқ ўғли маърифатли, маънан жадидларга яқин киши, онаси Тожинисо Қўқон хонлари авлодига тақалади. Шўронинг қиличидан қон томган пайтларда оиланинг тўнғич фарзанди Йўлдош қори сиёсат қурбони бўлгач, унинг укаси Рўзи бошқа йўлни танлайди. Бу бўҳронга қарши туриб бўлмаслигини сезиб, шўролар хизматига ўтади, ҳатто фирқа фаоли бўлади. Урушга чақирилгач, 1941 йил 24 ёшида фронтга кетади. Шундан сўнг унинг саргузаштларга бой ҳаёти бошланади. Украина ҳудудида жангга кириб, ярадор бўлади, лекин асирга тушмайди. Уни қишлоқ одамлари ўз оиласида яшириб даволайди ва буни душманлардан сир тутади.

Хуллас, кучли табиий иқтидор эгаси бўлган Рўзи Назар ҳаётий кузатишлари асосида акаси мулла бўлгани учун отиб ташлаган шўро тузумининг миллат бошига келган бало эканини англаб, унга қарши кураш фронтига қўшилади. Баъзи манбаларда унинг “Туркистон легиони”ни ташкил қилувчилардан бири экани қайд этилган. Тақдир тақозоси ва ички майллари, балки эътиқоди туфайли у фронтнинг бу томонига ўтгандир. Орадан етмиш йиллар ўтиб, парчаланган иттифоқнинг келажаги йўқлигини бу зот ўшандаёқ кўра олганмиди, деб ажабланади киши.

Немислар қатори “Туркистон легиони” ҳам муҳорабада енгилади ва Шимолий Италияга чекинади. Уруш тугаб, ҳаммаси бости-бости бўлгач, Рўзи Назар Германияга қайтади, Розенхайм шаҳрида яшириниб юради. Шу жойда 1946 йилда асли антифашист, Бавария католик черкови судьясининг қизига уйланади. 1947 йилда Эрмилинда Рот хоним билан никоҳидан туғилган қизга, она юртининг ҳурмати рамзи бўлса керак, Зулфия деб исм қўяди. Айтиш мумкинки, Рўзи Назар миллатини унутмаган, балки қалбида унга нисбатан сўнмас муҳаббат бор эди.

Умуман, бу инсоннинг таржимаи ҳоли билан танишган киши унинг қалбида ички қудрат борлигини ва ўз юрти, миллатига муҳаббат, унинг ёруғ кунларига хизмат қилиш нияти билан тўйинганини, ана шу имкониятини турли йўллар билан миллат истиқболи йўлида сарфлаганини англаши қийин эмас. Гап бу ўринда бошқа мавзуда бўлгани учун тафсилотларга нуқта қўямиз ва Рўзи Назарга Ўзбекистон мустақиллигини кўриш насиб этганини, озод юртга 1992 йилнинг май ойида ташриф буюргани, ўғли Эркин билан янги ташкил этилган “Халқ сўзи” газетаси таҳририятида ҳам бўлганини таъкидлаш билан чекланамиз.

Суронли ҳаёт қизалоқ Зулфия ҳаётига жиддий таъсир этади. Ота Германияда яшаган йиллари ўзбек, умуман, Ўрта Осиё республикаларидан муҳожирликда юрган элдошлар билан яқин муносабат ўрнатишга ҳаракат қилади. 1951 йили Украина ва Ўрта Осиё миллатпарварларининг Мюньхендаги ташкилоти билан ҳамкорлик ўрнатади. Шу шаҳарда антисовет тарғиботига йўналтирилган радиостанцияларни ишга туширишда қатнашади.

Ўзига хос қобилият эгасининг хатти-ҳаракати АҚШ Марказий разведка бошқармасининг эътиборини тортиб, уни Америкага таклиф этишади. Шундай қилиб, бу оила Америкага кўчганда Зулфия 4-5 ёшда эди. Унинг исмини айтиш қулай бўлиши учун “Сильвия”га ўзгаради ва шу ном билан элга танилади.

Албатта, отанинг ҳаёт мароми оддий одамлар умргузаронлигидан тубдан фарқ қилар, шунга мос равишда оиланинг яшаш тарзи ҳам ўзгача эди. Сильвия (Зулфия)нинг болалик – беғуборлик йиллари ёпиқ муҳитда ўтган. Гап бу ўринда чекланганлик, маҳдудлик ҳақида эмас, боланинг қандай улғайиши, унинг табиий қобилияти камол топиши ҳақида кетадиган бўлса, Сильвия тенгдошларидан ортда қолмагани, у мустақил ҳаётга тайёр эканини таъкидлаш жоиз. Бу ўринда ўзига ҳам, атрофидагиларга, жумладан, оиласидагиларга ҳам ўта талабчан бўлган отанинг ўрни ҳал қилувчи мавқе касб этган, дейиш мумкин.

Ҳаёт талаби билан яшаш жойини яна ўзгартиришга тўғри келади. 1959 йилда ота хизмат туфайли Туркияга йўл олади ва бу мамлакатда ўн йилдан кўпроқ яшайдилар. Туркияда содир бўлган ҳарбий тўнтаришдан кейин Америкага қайтишади. Сильвия Назар 1970 йилда Огайо штатидаги коллежларнинг бирини битириб, адабиёт бўйича бакалавр даражасини олади. Шу билан унинг ҳаёт йўли гўё аниқ эди. Албатта, Сильвиянинг таржимаи ҳоли юзасидан етарлича маълумотларга эга бўлиш қийин, лекин шуниси маълумки, у иқтисодчи Дэррил Маклеодга турмушга чиққан. Уч фарзанд: Клара, Лили, Жекнинг онаси бўлган. Балки турмуш ўртоғининг таъсиридадир, танлаган соҳасини ўзгартириб, 1976 йилда Нью-Йорк университетининг иқтисодиёт бўйича магистрлик дипломини олади.

Шундан кейин унинг қаршисида икки йўл пайдо бўлади. Кейинги ҳаётини таҳлил қилиб кўрсак, у иқболини гоҳ иқтисодиёт назарияси соҳасидан, гоҳ адабиёт (жумладан, журналистика) йўналишидан излаганини кўриш мумкин. Дастлаб Россиядан бош олиб кетган, кейинчалик Нобель мукофотини қўлга киритган иқтисодчи, академик Владимир Леонтьев раҳбар бўлган Иқтисодий таҳлил институтида ишлайди. Кейинчалик, ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб журналистика ва адабиёт билан шуғулланади. Дастлаб ишбилармонларнинг “Фортуна” журналида доимий муаллиф бўлади. 1990 йилдан эса, “Америка янгиликлари ва дунё хабарлари” нашрида шарҳловчи сифатида фаолият юритади.

Унинг матбуотдаги чиқишлари тезда жамоатчиликнинг эътиборига тушади, мамлакатда ва дунёдаги йирик нашрлардан бири ҳисобланмиш “Нью-Йорк таймс” газетасига иқтисод бўйича махсус мухбир бўлиб ўтади. Бу машҳур газетадаги ўн йилга яқин фаолияти давомида қизғин ҳаётий жараёнлар ичида бўлиш билан бирга, атрофидаги одамлар (улар сафида ишбилармонлар, миллионерлар, машҳур шахслар, юксак эътироф эгалари ҳам бор эди) ҳаётига теран разм солади, уларнинг қиёфалари, ички олами, муваффақиятлар сири ҳақида кўламли мулоҳазалар юритишга имкон топади. Бу таассуротлари балки болалигидаёқ зеҳнига сингган тезкорлик, кескинлик хислатларига эрк беради, буюкларнинг муваффақият сирларини кашф этишга интилади. Унинг асарларидан келиб чиқадиган хулосалар шу зайлдаги таассуротларни тасдиқлайди.

Ана шундай кайфиятда 1998 йилда Американинг таниқли математиги, 1994 йилда иқтисодиёт бўйича Нобель мукофотини қўлга киритган Жон Форбс Нэш ва турмуш ўртоғининг тақдири ҳақида “Ёркин ақл. Даҳо математик, Нобель мукофоти лауреати Жон Нэш ҳаёти” китобини ёзади. Унда иқтисодиёт илмида “Нэш тенглиги” формуласини, математикада Нэш-Кёппер теоремасини яратган, бир вақтнинг ўзида математика соҳасида кейинчалик Абел мукофотини қўлган киритган (Нобель ва Абелни олган ягона олим) машҳур олим ҳаётининг турли қирралари қаламга олинган. Буюк тафаккур эгасининг бир қолипга тушмайдиган ҳаёти – у баъзан жамоат тартибига амал қилмайди ёки тартибга бўйсунмай, полициянинг талабларини бажаришдан бош тортади, турмушда эса тутуруқсиз шахс – севган аёли фарзанд кўргани учун уни ташлаб кетади – ана шундай зиддиятлар орасидаги шахснинг қиёфаси асарда ишонарли акс этган. Асар қаҳрамонининг илмдаги буюк кашфиётлари шахсий ҳаётидаги зарбаларни енгиб ўтиши билан пайваста кечгани – икки ўт орасидаги ҳаёти қизиқарли ва кескин лавҳаларга бойлиги очиб берилган.

Олим турмушидаги омадсизлик туфайли шизофрения касаллигига дучор бўлади. Фанга, соҳасига бўлган эътиқод бу касалликни енгиб ўтишга куч ато этади. Унинг иродасига шифокорлар ҳам қойил қолади, чунки тиббиётда бунақаси бўлмаган эди. Нэшнинг касаллик билан курашиши, илм йўлидаги заҳматлари асарда жуда ҳаётий ва таъсирчан ифодаланган. Китоб эълон қилиниши билан оммалашиб кетади. Бирданига ўттизга яқин тилга таржима қилинади, “Танқидчилар давраси”нинг миллий мукофотига сазовор бўлади, Пулитцер мукофотига тавсия қилинади. Китоб асосида режиссер Рон Ховард “Тафаккур ўйинлари” номли бадиий фильмни суратга олади. Унда бош ролни Голливуднинг машҳур актёрлари Рассел Кроу ва Женнифер Коннелли ўйнаган. Фильм тўрт йўналишда Оскар мукофотини қўлга киритган, “Олтин глобус”га сазовор бўлган ва яна кўп бора эътироф этилган.



Албатта, катта давралардаги бундай эътибор иқтисодчи ва журналист ҳаёт тарзига янги даража ва кўлам бахш этади. Зулфия Назар ҳаётида янги давр бошланади. Энди унинг фикр-туйғулари шарҳи газета мақолаларига сиғмас эди. Кечинмаларини бир нуқтада жамлаш, таассуротларини тартибга солиш ва китоблар ёзишга тайёрланиш мақсадида 2001 йили Колумбия университетида амалий журналистика профессори вазифасида иш бошлайди.

2011 йилда Сильвия Назарнинг иккинчи китоби жамоатчиликка етиб боради. Бу “Буюк мақсад сари. Бир иқтисодий ғоя тарихи” китоби бўлиб, унда Карл Маркс, Альфред Маршалл, Ирвинг Фишер, Йозеф Шумпетер, Джон Кейнс, Фридрих фон Хайек, Милтон Фридман ва Амартия Сен сингари буюк иқтисодчилар фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади, уларнинг соҳага қўшган ҳиссалари таҳлилга тортилади. Муаллиф фикрларининг хулосасида ана шу йирик олимларнинг беназир хизматлари туфайли мавҳум тушунчалардан иборат бўлган иқтисодиёт илми инсоният ҳаётини қайта қуришга олиб келган воситага айланди, деб таъкидлайди. Китоб “Лос-Анжелес таймс” газетасининг йиллик мукофотига сазовор бўлади.

Зулфия (Сильвия) Назар ҳамон олий ўқув юртларида маърузалар ўқир эди. Учинчи китоби – коллаборационализм, яъни ҳарбий шароитда оккупация қилган мамлакат таркибида туриб, ўзининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аниқроғи – “Туркистон легиони”, унинг фаолияти ва тақдирига бағишланган.

Томирида ўзбек қони оқаётган, таниқли олим ва ёзувчи Зулфия Рўзи Назар қизи(Сильвия Назар)нинг кейинги китоби ана шу саволларга ойдинлик киритишини умид қилиб қоламиз.

Интервьюларининг бирида тўла ҳуқуқ билан “Мен ўзбек қизиман” деб эътироф этган миллатдошимиз жўшқин ижодий режалар қуршовида, фарзандлари билан Нью-Йорк шаҳрининг Тарритаун қишлоғида доимий яшайди.

Ҳаким САТТОРИЙ

САНЪАТ ХАЛҚЛАРНИ БИРЛАШТИРАДИ

Ёш авлодни санъатга, мусиқага ошно этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, санъатга ошно бўлган инсондан ёмонлик чиқмайди. Олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларда ҳам санъатнинг ўзига хос ўрни бор. Бу борада Тошкент шаҳар Маданият ва туризм бош бошқармаси ходимлари зиммаларидаги вазифаларни бажариш мақсадида тинмай изланишмоқда. Жумладан, туман маданият бўлимлари, маданият марказлари, Планетарий, болалар мусиқа ва санъат мактабларининг фаолиятини самарали йўлга қўйиш асосий мақсадимиз.

Ҳукуматимизнинг эътибори туфайли ўтган йили маданият марказларимизга етти турдаги 138 дона миллий чолғу асбоби топширилди. “Обод маҳалла” давлат дастури доирасида Янгиҳаёт туманида маданият маркази, Юнусобод туманида 250 ўринли замонавий мусиқа ва санъат мактаби қуриб битказилди. Учтепа тумани маданият маркази эса тубдан қайта таъмирланди. Замонавий акустика анжомлари, зарур дастурлар билан таъминланган компьютер, янги мусиқа асбоблари, кенг ва шинам хона, зал, саҳналар ходимларни ижодга, меҳнатга илҳомлантирмоқда.

Айни пайтда фаолиятимиз фақат саҳна санъати соҳаси билан чекланиб қолаётгани йўқ. Рассомлик, ҳайкалтарошлик, дизайн ва бошқа йўналишлар ҳам диққат-эътиборда. Маданият марказларида жами 328 та турли йўналишдаги тўгарак мавжуд. Биргина, болалар мусиқа ва санъат мактабларида саккиз мингга яқин ўқувчи-ёшлар ўн тўртта йўналишда таълим олишяпти. Ўтган йили илк бора Арт-фестиваль ўтказилиб, тасвирий санъат йўналишида ўқувчиларнинг “Менинг ёзги таътил даврим”, “Тошкент – менинг шаҳрим” номли кўрик-танловлари ташкил этилди.

Яратилаётган имкониятлар натижаларда ўз аксини топаяпти. Масалан, йил давомида республика ва халқаро кўрик-танлов, фестивалларда ғолибликни қўлга киритган ўқувчилар сони 270 нафардан ошди. Россия, Туркия, Италия, Озарбайжон, Болгария, Франция, Англия, Тожикистон ва Қозоғистонда ўтказилган кўрик-танловлар натижалари бунинг яққол далилидир. Жумладан, Янги йил байрами, 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни, Наврўз, Мустақиллик байрами, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳамда Алишер Навоий таваллуд саналарига бағишланган “Назм ва наво гулшани” ижодий кечаларда намойиш этилган мумтоз ҳамда замонавий қўшиқлар, рақс ва бошқа дастурлар кўпчиликда катта таассурот қолдирди. Бундан ташқари, 180 дан ортиқ пойтахт маҳаллаларида “Маҳаллада дув-дув гап” маданий лойиҳаси амалга оширилди. Ҳафтанинг шанба-якшанба кунлари “Ёшлар оқшоми” шоу-концерт дастурлари ташкил этилди. Пойтахтимиз маҳаллаларида “Порлоқ келажакка қадам – менинг маҳаллам билан!” шиори остида ўтказилган ҳарбий-ватанпарварлик тадбирлари, “Уч авлод учрашуви”, умумтаълим мактаблари билан ҳамкорликда “Миллий созлар сеҳри”, “Театр санъати”, “Кўнгил битиклари” мавзуларидаги маҳорат дарслари, “Мақом фестивали. Учтепа – 2022” республика фестивали, “Хонатлас” фестивали муносабати билан “Миллий либослар” кўрик-танлови ҳамда имконияти чекланган ижодкорлар учун "Бир сафдамиз" фестивалини каби тадбирлар халқимиз ва хорижлик кузатувчиларнинг юксак баҳосини олган.

Бу йил Тошкент шаҳри намунаси асосида Болалар мусиқа ва саньат мактаб ўқитувчилари билан ижодий фикр алмашиш, ўқитувчи-педагоглар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш, таълим-тарбия жараёнлари, янги замонавий инновацион дарс бериш усуллари ва методикаси билан яқиндан таништириш мақсадида Тошкент вилоятининг бир қанча мактабларида тажрибали мутахассислар иштирокида ижодий учрашув ҳамда маҳорат дарслари ўтказилди. 2023 йили пойтахтимизга сайёҳлар оқимини ошириш, соҳага оид ижодий жамоалар билан махсус дастурлар тайёрлаш, янги ижодий асарлар устида ишлаш бўйича ҳам изланишлар олиб борилмоқда.

Апрель ойида Россия Федерациясининг Уфа шаҳрида “Тошкент кунлари” ўтказилади. Санкт-Петербург шаҳри ҳамда Рязань вилоятларида мусиқа ва санъат йўналишидаги ўқитувчи-устозларни малака ошириш ўқувларига жалб этиш режалаштирилган. Шу билан бирга ёш ижодкорларнинг кўрик-фестивалларини ташкил этиш юзасидан ҳам битим ва келишувлар ишлаб чиқиляпти. Қўшни давлатлар маданият вазирликлари, бошқармалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, ўзаро “Маданият кунлари”, фестиваль, ижодий учрашув ва конференциялар ташкил этиш кўзда тутилган.

Абдуваҳоб САХИЕВ,
Тошкент шаҳар Маданият ва туризм бош бошқармаси бошлиғи

ҚИЗИЛҚУМ ГУРУНГЛАРИ


Бошланиши 1-саҳифада

Навоий вилоятида ёш иқтидорларни кашф этишдан, қўллаб-қувватлашдан чарчамайдиган фидойи ижодкорлар кўп. Конимех туманидаги 2-мактабнинг ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчиси Тўрехан Наримбетов ана шундай қаламкашлардан бири. У ўз ҳисобидан 24 та дўмбира харид қилиб, мактабда дўмбирачилар синфини ташкил этди. Қозоқча, ўзбекча ўланлар янграб турган мактабда ҳозир ўзгача файз ҳукмрон. Тажрибали журналист Абдумутал Норбоев ўзбек халқ оғзаки ижодини кенг тарғиб қилиш мақсадида қишки таътил кунлари ўзи тарғиботчилик қилаётган мактабда эл севган бахши Эргаш Жуманбулбул ўғли достонларидан ёд айтиш бўйича онлайн мусобақа ўтказди. Ғолиблар ва фаол иштирокчиларга замонавий ўзбек адабиёти намояндаларининг асарлари тақдим этилди. Абдумутал Норбоев ёшларнинг нафақат халқ оғзаки ижоди, мумтоз ҳамда замонавий ўзбек адабиётига бўлган қизиқишларини оширишга, балки журналистика билан шуғулланишларига ҳам алоҳида эътибор қаратган. Унинг ўқувчилари мактаб фаолиятини ёритувчи ахборотнома чиқаришни йўлга қўйишган. Нурота туманидаги 7-мактабнинг ижодий маданий масалалар бўйича тарғиботчиси Маҳдия Зиёвуддинова эса ёш ижодкорлар театрини ташкил этди. Яқинда Ватанпарварлик ойлиги муносабати билан мактаб театрида “Алпомиш” достонидан парча саҳналаштирилди. Ёш актёрларни “Бўдуқ” маҳалласи оқсоқоллари рағбатлантиришди.

Шунингдек, Навоий шаҳридаги мактабларда фольклоршунос олим Раҳим Қодир билан ижодий учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар ташкил қилинди. Нурота туманидаги 1-мактабнинг ижодий-маданий тарғиботчиси, шоира Шодигул Ҳусенова томонидан ташкил этилган “Шабнами нур” тўгараги аъзоларининг машғулотларида атоқли адиблару шоирларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида мунтазам суҳбатлар ўтказилмоқда.

Ёшлар ҳам, ўз навбатида, истеъдодларини намойиш этмоқдалар. Хусусан, Қозоғистонда ўтказилган "Мустақиллик – омонати бобомнинг" номли халқаро мушоирада Учқудуқдаги 9-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Ферузабону Ибодова биринчи ўринни қўлга киритди. Беш муҳим ташаббус доирасида ижодий-маданий ишлар бўйича тарғиботчилар томонидан “Мен эртак (шеър ёки ҳикоя) ёзаман!” лойиҳаси бўйича йил давомида ўтказилаётган онлайн ва офлайн машғулотларда ҳам ёшлар фаол қатнашмоқдалар.

Навоийлик ёш ижодкорларнинг “Қизилқум оқшомлари” гурунгларида “Адабиётни севмоқ – миллатни севмоқ” шиори остида ижодий учрашувлар, китоблар тақдимотларини ўтказиш анъанага айланган. Жумладан, навоийлик шоиралар Муҳайё Назаровани нинг “Икки кўзим қораси – Ватан!”, Гулбаҳор Жумаеванинг “Сиёҳранг оҳанг” номли шеърий тўпламлари, шунингдек, “Конимехлик ижодкорлар тортиғи” номли баёз, Пўлкан шоир ва унинг сулоласи ҳақида ҳикоя қилувчи “Қўлларида сайраб турган созмиди” номли китоб ҳамда “Навоий – ўтмиши қадим, келажаги нурли диёр” номли вилоят тарихига оид альбом-китобларнинг тақдимоти бўлиб ўтди.



Китобхонлик тарғиботи, мушоиралар, танловлар йил бўйи давом этиб, ёш ижодкорларнинг шеърлари мунтазам янграб турибди. Хусусан, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи вилоят кенгаши, “Маҳалла” жамоат фонди вилоят бўлими, Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими ва бошқа мутасаддилар ҳамкорлигида ташкил этилган “Янги Ўзбекистон болалари – Навоий ворислари” номли ғазалхонлик акцияси уч ой давом этди. Болажонлар улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоий ғазаллари бўйича баҳру байт мусобақасида беллашдилар. Навоий асарларининг билимдонлари, энг кўп ғазал ёдлаган ёшлар рағбатлантирилди.

Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева таваллудининг 75 йиллиги муносабати билан шоира номидаги ижод мактабида сирдарёлик ва навоийлик ёшлар ўртасида ўтказилган мушоира ҳамда Республика ёшларнинг анъанавий Зомин семинарининг ўтган йилги саралаш босқичи ҳам эсда қоларли воқеаларга бой бўлди. Олтинсой қишлоғи этагидаги баланд тепаликда қад ростлаган Пўлкан шоирнинг ҳайкали ёнида ёқилган гулхан атрофида хатирчиликларнинг навбатдаги мушоираси бўлиб ўтди. Қирқ нафарга яқин бошловчи ёш ижодкорлар илк машқларини тақдим этишди. Умид қиламизки, навоийлик ёшлар қалбида ёқилган гулханлар яқин келажакда ўз мевасини беради.

Баҳриддин САДРИДДИНОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Навоий вилоят бўлими раҳбари

Шукур ҚУРБОН



ЖАДИДЛАР

1

Бу оламда ҳар йил ўзича янги,
Янгилик бор йилнинг тўрт фаслида ҳам.
Янгидир, шунингдек, ҳафта ҳамда кун,
Куннинг ичидаги ҳар лаҳза, ҳар дам.
Фақат буни кўрмоқ, билмоқ, англамоқ
Ҳаммага ҳам насиб этавермайди.
Кўрган, англаганлар, билганлар – бахтли,
Бахт – оз, ҳаммага ҳам етавермайди.

2

Биз – Чўлпон, Қодирий, Авлоний, Фитрат…
Юз мингмиз, санамоқ эмасдир осон.
Замон тан олмади, боқмади бизга,
Боқмадик бизлар ҳам беун, беомон.
Қурол-яроғ-ла халқ қаҳрамонлари,
Биз қоғоз-қалам-ла жанг қилдик тун-кун.
Жисман маҳф этилдик, руҳан соғ-омон,
Ибрат бўлдик авлод-авлодлар учун.

3

Ҳа, биз янгиловчи, янгиликчилар,
Яъни жадидлармиз – она халқини
Олдинга бошлаган, ҳимоя қилган –
Миллат ҳуқуқини, миллат ҳақини.

Кимни ва нимани янгиладик, хўш?
Кимдан ва нимадан ҳимоя қилдик?
Мутеликда яшаш мумкиндир балки,
Қолоқликда яшаб бўлмайди – билдик.

Билишимиз керак эди биз, ахир,
Даҳо аждодларнинг ворисларимиз.
Қуръони Каримга асосланганди
Қилган, қилолмаган бор ишларимиз.

Душман бўла туриб ўзингиз элга,
Айбладингиз бизни “халқ душмани” деб.
Ишонар дедингиз ўзбеклар бунга,
Қўйган дедингизми халқ эсини еб?

Бу ҳам етмагандай, қамаб, оттириб,
Шаҳид айладингиз тутиб бирма-бир.
Билмадингиз – жаннат боғчаларидай
Гулларга бурканган биз ётган қабр.

Демак, бир барҳаёт, сиз эса йўқсиз,
Йўқдир ёлғон-яшиқ шиорларингиз.
Ёзганлари аҳлат уюмларида,
Йўқ сизни мадҳ этган шоирларингиз.

Ва осон бўлмади зиё тарқатмоқ,
Қақнус қуш сингари ёқилдик, ёндик.
Туғилдик қайтадан ўз кулимиздан,
Сиз биздан эмас, йўқ! Биз сиздан тондик.

Тараққиёт учун бўлса бир нима,
Тадбиқ этиш учун халқ ҳаётига,
Осмонга ҳам чиқар эдик, эҳтимол,
Миниб тасаввурнинг учқур отига.

Сизга қизиғи йўқ бу гапларнинг ҳеч,
Қуллар керак эди сизга, кўп қуллар.
Эркакдир, аёлдир – фарқи йўқ сира,
Ишласа бас эди оёқлар, қўллар.

“Калла-чи?” дедик биз. “Аҳлоқ-чи? Онг-чи?
Муҳаббат, ҳаяжон, орият, ҳаё?”
Сизга – ишчи-деҳқон ҳукуматига
Ёв бўлди – юртга ким тарқатди зиё.

“Зиёли – зиёнли!” – деган гапни ҳам
Сиз ўйлаб топгансиз – ношуд, нобакор.
Бор олам зиёга талпинган чоғда,
Йўлтўсар бўлмоқ бу қай русумда бор?!..

4

Сиз ёққан, йўқотган китоблар ўрни
Ўйилган кўзлардек қорайганди, бас.
Янги алифбода қанча ҳикматни
Тирилтирдик такрор қалбга ҳамнафас.

Инчунун, имлони ўзгартириш-ла
Қила олмадингиз халқни саводсиз.
Имло билан бирга ўзгармади эл,
Қолди дилда собит ўша азиз сўз.

Орадан бир аср вақт ўтиб, мана,
Яна янгиланди миллат ва Ватан.
Янги Ўзбекистон тан олди бизни,
На-да Ўзбекистон, дунё олди тан.

5


Ҳа, дунё тан олди Ўзбекистонни,
Бизнинг мамлакатни – жаннатмаконни.
Ҳайратга солмоқда янгиланиб у
Қартайган, шалағи чиққан жаҳонни.

Ҳиссамиз бор бунда биз жадидларнинг,
Мева берар чеккан азобларимиз.
Йўлчи юлдуз бўлиб порлайди, албат,
Авлодлар қалбида биз қолдирган из.

Сиз-чи? Қораланиб қайтадан, ҳайҳот,
Лаънат ботқоғига ботаётирсиз.
Увада жандангиз елкага ташлаб,
Унутилиш томон кетаётирсиз.

«...Бечора шоир бўлғуси»

Бир ғазал шарҳи



Алишер Навоийнинг ошиқона руҳда ёзилган ҳар бир ғазали замирида “ошиқи покбоз”нинг забун ҳолати, сурату сийрати ва унинг ботиний ҳазинлиги мунаққаш этилган. Албатта, ошиқнинг ҳижрон онларидаги маҳзун аҳволи руҳияси, тимсол-тасвири, аслида, миллий муттоз адабиётимиздаги энг кўҳна мавзулардандир.

Лекин шу кўҳна мавзу Ҳазратнинг нақадар пурдард шеъриятида янада янги-янги кўринишларда кўнгиллардан кўнгилларга ўтиб давом этган. Чунки шоир шеърияти ҳузн тасвирининг бу қадар синоатдорлиги киши кўнгил мулкининг ички кенгликларига ҳам турлича жило билан таъсир қилади. Улуғ шоир асарларидаги бундай ғазаллар зоҳирий ва ботиний бадиий кайфият уйғунлигининг маҳсули бўлиб, уларнинг аксари “ҳасби ҳол” руҳида ёзилган. Энди ана шундай ғазаллар сирасига кирувчи “Ғаройиб ус-сиғар”нинг 627-ғазалини тўла келтирамиз:

Ишқ аҳли гўристонида қабрим чу зоҳир бўлғуси,
Фарҳод анинг тошин йўнуб, Мажнун мужовир бўлғуси.

Дерсен, юзум сори кўзунг кўп боқмасун гар юз будур,
Ул меҳр тобидин эриб, оққунча нозир бўлғуси.

Ғамзангдин ўлтурмак ишин таълим ола келмиш ажал,
Бу навъ устод ўлса, ул оз чоғда моҳир бўлғуси.

Хатти ғуборин демаким, бўлғуси ул юз монии,
Тун пардаси ой нуриға не навъ сотир бўлғуси.

Ул ғамза куфридин кўнгул навъе келур исломға
Ким, тарки ислом айлабон гўёки кофир бўлғуси.

Бўлғуси мутлақ шуълалар ичра самандар сайридек.
Сенсиз кўнгул гулзор аро ул дамки, сойир бўлғуси.

Кўнглумдаги ҳар нишдин гар бўлса бир тил, ҳар бири
Юз тил била ўз ҳолининг шарҳида қосир бўлғуси.

Хотирни жамъ истар эсанг аввал хавотир дафъин эт,
Кимда хавотир бўлмаса осудахотир бўлғуси.

Қилди Навоий қаддингга сарви сиҳий ташбиҳини,
Бу табъи номавзун била бечора шоир бўлғуси.

Ушбу тўққиз байтли ғазал замирида ишқ ичра пинҳон ётган шоирлик қисмати яширин. Буни рамзларсиз тушуниш мушкул. Илло, киши ишқ боис чинакам ижод шавқини ҳис қилади. Энди байтлар шарҳига ўтайлик.

Ишқ аҳли гўристонида қабрим чу зоҳир бўлғуси,
Фарҳод анинг тошин йўнуб, Мажнун мужовир бўлғуси.

Улуғ шоирнинг бу матлаъи бағоят бир жўшқин кайфиятда ёзилган бўлиб, ғазалнинг бутун мазмун-моҳиятини, аниқроғи, ошиқнинг аҳволи руҳиясини яққол намоён қилади: агар илоҳий жазба теккан ошиқ инсон ёр ишқи қўйида руҳий парвоз қилар маҳалида борди-ю фалакдан, яъни самодан дўл ёғса тош бўлсин. Чунки чин ошиқ учун кавну макон кенгликлари-да писанд эмас. Илло, у руҳий ҳаракатда – бу йўлда фано бўлишга тайёр. Бунга бир белги сифатида, энг аввало, бу “ошиқи покбоз” тошга айланган ёғинларнинг ҳар бирига бош бўлсин. Бу суратланиш ғазал мисралари оша бардавомдир:

Дерсен, юзум сори кўзунг кўп боқмасун гар юз будур,
Ул меҳр тобидин эриб, оққунча нозир бўлғуси.

Юз(сурат)нинг Навоий тахайюл ва тасаввурида жилоланган мужассами, айниқса, Румий ҳазратлари талқинида янада равшанлашади: “Сурат (юз) ишқ нуридир. Чунки ишқсиз у ҳам қимматдан маҳрум. Нур – аслсиз номавжуд нарса. Шунга кўра, Тангрига сурат дейилмаганидек, нур ҳам дейилмайди. Чунки сурат нурдир.

Бири: “Ишқ суратсиз бўлмаганига, рўёбга чиқмаганига кўра суратнинг нури бўлиши керак”, дейди. Биз “Ишқ суратсиз нечун тасаввур этилмасин?”, деймиз. Ҳатто суратни ишқ майдонга келтирди ва ундан юз-минглаб сурат ҳосил бўлди. Булар айни замонда рўёбга чиққан, шаклу шамойил олган суратлардир”. Зеро, юз илоҳиёт жамоли тимсоли ва комил инсон чеҳрасидир. Айни маънода ушбу байт мазмуни қуйидагича: эй ёр, юзингнинг меҳридан, яъни нуридан ҳам бирорта зарра сота олмайман. Чунки сенинг қуёшдек меҳринг, яъни нуринг менинг ошиқ қалбимни қиздирди. Жамолинг мушоҳадаси кўнглимда кучли завқ-шавқ пайдо қилиб бўлди. Модомики шундай экан, бу ишни қилмаслик эвазига менга фалак осмон тўла қуёшдек-қуёшдек келадиган тиллаларни ҳадя этса ҳам мен уларни рад этаман.

Ғамзангдин ўлтурмак ишин таълим ола келмиш ажал,
Бу навъ устод ўлса, ул оз чоғда моҳир бўлғуси.

Байт мазмуни: кўнглимдан чиқаётган нола-ю зоримнинг эговдай хириллашига барҳам бериб бўлмагани сингари ундаги зулм-ситам зангларини қириб олиш ҳам гўё темирни қиргандай оғир юмуш. Бу байтни яна қуйидагича талқин қилиш мумкин: агар инсон жаҳон молига қаттиқ боғланса, кўнглини занг босиб, темирдай қалб соҳибига айланади. Бундай кўнгилни дунё зангларидан тозалаш нақадар мушкул.

Хатти ғуборин демаким, бўлғуси ул юз монии,
Тун пардаси ой нуриға не навъ сотир бўлғуси.

Аввало, ушбу байтдаги энг характерли сўзга эътиборни қаратайлик. Бу – “чўлпон” сўзидир. Бу сўз Алишер Навоий асарларида “ёруғ тонг юлдузи”; “гўзал”, “чиройли”, “порлоқ” сингари маъноларда қўлланилади. Умуман, мумтоз адабиётда “Чўлпон” – “Зуҳра”, “Ноҳид” номлари билан ҳам юритилади. У қуёш системасидаги тўққизинчи катта сайёралардан бири, Ерга энг яқин, қуёшдан ҳисобланганда иккинчи сайёра ҳисобланади. Форсий ривоятларга кўра эса, у афсунгар Ҳорут ва Морут ошиқ бўлган аёлдир. Аниқроғи, бунда яна шундай маъно бор: ишқ шундай таврдирки, бу кўйга тушган инсон-ку инсон, ҳатто фаришталар-да йўлдан озишлари муқаррар. Зеро, ўша малоиклардан бири, яъни Ҳорут ишқ туфайли кўкдаги юлдуз оҳанжамасига, иккинчиси, Морут ердаги бани башар авлодига мансуб аёл жинсига ошиқи беқарор бўлган эди.

Ушбу байтда “муроату-н-назир”, яъни “мутаносиб” (Изоҳ: бир-бирига мос ва монанд лафзларни бир байтда тўплашдир. Масалан, қуёш ва ой, кўз ва қош сингари сўзлар) бадиий санъати қўлланилган. Бу санъат мумтоз адабиётда “таносуб”, “талфиқ”, “тавфиқ”, “ийтилоф” деб ҳам юритилади (Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъу-с-санойиъ. Таржима, изоҳ ва шарҳлар муаллифи Алибек Рустамов. Т., 1981, 232-бет).

Шоир фикрича, Қуёшни Тонг юлдузи-ку Тонг юлдузи, балки ойга ҳам ташбиҳ қилиб бўлмайди. Эй фалак, нидоимни эшит! Майли, ташбиҳда сенга бир йўл кўрсатай. Агар сен ёрнинг оғзини бир зарра деб билсанг, унинг шаҳло кўзини Чўлпон юлдузи, қошини эса, янги чиққан ойга қиёс қила қол?! Бу ўринда Навоий “чўлпон” сўзини гўзаллик тимсолида қўллаш баробарида сонияда минглаб чақирим йўлни босиб ўтадиган тез учар сайёра – Чўлпон, аммо у вафо, муҳаббатда ҳеч қачон қуёшдек гаронжон, яъни оғир, вазмин бўла олмаслигини поэтик рамзларда ифода этади.

Ул ғамза куфридин кўнгул навъе келур исломға
Ким, тарки ислом айлабон гўёки кофир бўлғуси.

Байтнинг мухтасар маъноси: киприкларинг гўё найзадек кўнгилга санчилишни истаган бўлса, начора. Бундан ғам йўқ. Чунки йиғи келган маҳалда, ўша найза теккан кўнгил булоғидан кўз очган чашма сувлари вақти келиб сўқир кўзларга кўз ёш бўлишга асқотиши мумкин.

Навоий ҳазратлари ғазалларида ошиқнинг ҳолати қанчалар забун бўлишидан қатъи назар, унинг руҳи самолар қадар юксак экани гўзал шоирона ташбиҳ воситасида тараннум этилади:

Бўлғуси мутлақ шуълалар ичра самандар сайридек,
Сенсиз кўнгул гулзор аро ул дамки, сойир бўлғуси.

Ушбу байтда шундай бадиий тафаккур илгари сурилади: сипоҳий, яъни ҳарбий хизматчи сени жомолингга туғнинг учига ўрнатилган олтиндан ясалган ярим ой шаклини тутгани монанд менинг оҳу нолаларимдан ясалган устун қуёш кўзгусига рўбарў бўлиб, куйса куйсин!

Кўнглумдаги ҳар нишдин гар бўлса бир тил, ҳар бири
Юз тил била ўз ҳолининг шарҳида қосир бўлғуси.

Байтда қўлланилган “соқий”, “қадаҳ” ва “харобот” – тасаввуфий рамзларга ишора. Соқий – пири комил, Ҳаққа етишган киши, маърифат булоғи. Қадаҳ – май ичиладиган идиш, ориф инсон қалби. Харобот – пир даргоҳи, пири комил ҳузури, комил инсонлар йиғини. Ана шу маъноларга кўра байт мазмуни қуйидагича: кўнгилда ишқ сирин асрайвериб тоқатим тоқ бўлди. Эй пир, комил инсонлар аҳлига бу махфий сирим, яъни Ҳаққа ошиқлигим ошкор бўлса бўлсин, энди менга “қадаҳ” тут!

Хотирни жамъ истар эсанг аввал хавотир дафъин эт,
Кимда хавотир бўлмаса осудахотир бўлғуси.

Маълумки мумтоз адабиётда доғ сўзи “куюк”, “куйган жой”, “қоралик”, “қиздирилган темир билан инсон ёки ҳайвонлар танасига босилган белги”, “нишон , “нақш”, “из”, “жароҳат” ва “ғам-андуҳ”, “қайғу алам” сингари маъноларда келади. Байтда эса, доғ сўзи кўпроқ “ғам-андуҳ” маъносида келган. Байт мазмуни қуйидагича: икки гадо бир дирам устида талашгани унинг камлигидандир... Лекин сен кўнгилни унга ташбиҳ қила кўрма! Ахир, кўнгил битта бўлса ҳам, унга битта ғам-андуҳинг камлик қилади, шу туфайли яна ғам-андуҳлар қўшавер!

Қилди Навоий қаддингга сарви сиҳий ташбиҳини,
Бу табъи номавзун била бечора шоир бўлғуси.

Бу байтда шундай ҳикматли маъно бор: майли, бу ўткинчи дунёда шоҳ, то ҳатто дунёдаги барча чаманзор гулларидан гилам қилиб устига ўтирсин, гадо эса, бунинг акси ўлароқ, гулхан кулидан ўзига тўшак қилсин! Аммо ҳар иккиси ҳам оламдан ўтгандан сўнг улардаги ўша фарқ йўқолади, яъни уларда тенглик пайдо бўлади.

Улуғ шоирнинг ушбу ғазалида матлаъдаги биринчи мисра мақтаъда иккинчи мисра бўлиб қайтарилади. Мумтоз адабиётда бу санъат лафзий санъат турларидан ҳисобланиб, у “радди матлаъ” деб юритилади. Бу ҳолатни ушбу ғазалнинг мақтаъидан билиб олиш мумкин.

Мақтаъ маъноси: Навоий кўзида абадий макон тутиш учун дуру жавоҳирга ўхшаш кўз ёш истайди. Гарчи бу йўлда, яъни ёр ишқига етишиш орзуси йўлида кўкдан ёғаётган ҳар бир дўл унинг бошига тошдек урилсин! Лекин у бу ботиний аҳдидан ҳеч вақт қайтмайди, аксинча, унга тоабад содиқ қолади.

Умуман, ғазал, хусусан, ундаги “юз”, “ишқ” ва “ҳусн камоли” образлари замиридаги туйғу ва тимсолларнинг беназиру бетакрорлиги кишини ҳайратга солади. У ботинан ишқ маъноларига бойлиги, суратан эса, ишқ йўлида бетимсол қиёсийликни ўзида жо этган бадиий тафаккур маҳсули сифатида Ҳазрат ғазалиётида муҳим ўрин тутади. Бу ғазал китобхон тасаввурида ишқни сурату суралантиради ва унинг тафаккур тарзида янгича бир эврилиш пайдо қилади.

Манзар АБДУЛХАЙР

Эъзоза БОЗОРОВА



МЕН БАҲОРНИ СОҒИНДИМ

СОҒИНЧ

Кўнглим ўзи зориққан, хуноб,
Уни тинмай қийнайман яна.
Қаҳратон қиш бермоқда азоб,
Мен баҳорни соғиндим, она.

Қишнинг бунча нигоҳи совуқ,
Хийлалари изғирин шамол.
Покиза ранг, аммо заҳри ўқ,
Қорларидан вужудим беҳол.

Ялтиради нурдай бўлиб жим,
Кўзларим ҳам кетди қамашиб.
Бир сония юмиб олгандим,
Манзилимдан кетдим адашиб.

Кўп адашдим адашганда ҳам
Тўрт тарафим тим қора туман.
Йуқдан ўзга кўринмас юрсам,
Энди йўлим қайдан топаман?

Ўҳ, сарғайди сабр япроғим,
Гарчи ўйлаб босгандим изни.
Лек йиқилдим, синди оёғим,
Қор тагида билмайин музни.

Оғриди жон, дод демам бироқ,
Қиш бу, мени масхара қилди.
Тан қотмоқда, бу кетишда, оҳ,
Юрак музлаб қолмаса бўлди.

БУТУНЛИК

Бир бутунман зоҳиримда,
Ботиним лек бирлашмайди.
Танимасдай бир-бирини,
Сўрашмайди, сирлашмайди.

Тилим бўлак, дилим бўлак,
Гирён забон, ҳайрон юрак.
Озод руҳим ғафлатларнинг
Чангалидан чиқмоқ керак.

Қулоқ тутар, жавоб кутар,
Ўз домига тортар сўроқ.
Наҳот, ўша юзсиз ғаним
Саботимдан бўлса зўрроқ.

Кирсам нафсим қўрғонига,
Бўлак-бўлак бўлар таним.
Муҳаббатим таслим этмай,
Менга куч бер, Яратганим!

ҲОЛАТ

Сарғайдим сўнмаган сўзингдан,
Танимда ҳарорат қолмади.
Мен бахтни топгандим кўзингда,
Кўзларим буни тан олмади.

Мен сени йўқотдим ўшанда...
Тўзиди сочларим шамолда.
Ҳисларим тўкилди ҳар ёнга,
Мен ҳиссиз қолгандай хаёлда.

Ёмғирга айланди хотирлар,
Поклади дунёни ғубордан.
Куз каби бахтимни билмадим,
Бу қисмат, Ҳақ менга юборган.

ИЛҲОМ ФАРИШТАСИГА

Кўнглим ёзмоқ бўлдим, қўлимда қалам,
Ёнимда оқ қоғоз оппоқ матодай.
Нечун ёзолмадим, ёзмадим ҳеч ҳам,
Гуё ўйлаганим ёлғон, хатодай.

Бир ўт куйдирадир бутун танамни,
Ахир неларнидир келганди ёзгим.
Ажаб, ўша нелар нелигин билмам,
Ўйлайман, наҳотки, ақлдан оздим.

Қўрқинчли хаёлнинг қўрқинч қуроли,
Бошимни ёнғоқдай ёриб ўтди-ку.
Бағримга етганда билдим, йўқ эди
Оҳ, наҳот қалбимни ташлаб кетган у.

Йўқ, йўқ, кетмагандир, балки у мени
Йўқотиб қўйгандай излар ҳар сари.
Сенсиз сўзим сўзмас, кел, кутмоқдаман,
Тунларимни тонгдай ёритган пари!

Хуш дурур боғу коинот гули,

УЛУҒ ШОИРНИНГ УСТОЗЛАРИ

Бошланиши 1-саҳифада

Ҳатто Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” асарини ёдлаб олгани ҳам унинг ўз хотираларида келтирилган. У илк шеърларини кимга кўрсатганини ёзиб қолдирмаган бўлса-да, ўспиринлик пайтида севимли мураббийси Саййид Ҳасан Ардашер уни шеър ёзишга ҳамиша рағбат қилганини айтиб ўтган. Шунингдек, у Саййид Ҳасан Ардашерни фақру фано тариқи ва Имом Ғаззолий таълимотида устози деб билади: “... Салтанат тахти Султон Иброҳим Мирзога қарор тутгандаким тарих саккиз юз олтмиш эрди (мил. 1455–1456) бу фақир алар суҳбатиға мушарраф бўлдум. Алар тариқи ва равиши бу фақирни андоқ шифта қилдиким, бир кун алар мулозиматиға етмасам эрди, сабру тоқатим қолмас эрди... Ва бу фақирни фақр тариқиға далолат ва иршод қилурлар эрди ва назм айтурға тарғиб кўргузурлар эрди... Форсий ашъордин Ҳазрати Хожа Ҳофиз Шерозий девониға кўп ақидалари бор эрди... ҳазрати Шайх Фаридуддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр”ининг кўпрагини ёд билур эрдилар... Ҳужжат ул-ислом Имом Муҳаммад Ғаззолий мусаннафотиға муътакид эрдилар ва кўп ўқур эрдилар... батахсис, “Кимиёи саодат”дин ва Шайх Азиз Насафий расойилин ҳам таъриф қилурлар эрди ва андин сўзлар нақл қилурлар эрди... бу фақир фуқаро аҳли, дарвешлар ва аҳуллоҳ мулозаматига кўп етибмен, фано тариқида алардек оз кўрубмен...”.

Навоий “Мажолис ун-нафоис” асарида ўз устозларини ҳурмат билан эслайди. Жумладан, ўз даврининг малик ул-каломи Мавлоно Лутфий ёш шоирнинг буюк иқтидор соҳиби эканини тан олган ва унинг шеърларига устоз мақомида дастлабки баҳони берган. Алишер аруз илми бўйича илк сабоқларни Дарвеш Мансур Сабзаворийдан олган (“Фақир арузни Дарвиш қошида ўқубмен”). Қуръони каримни қироат билан ўқиш санъатини Ҳофиз Али Жомий қошида ўзлаштиради (“...қироат илмида жамеи курро анинг шогирдлигига мубоҳат қилурлар эрди. Ва фақир ҳам неча сабақ ўқубмен”). Ёш Алишернинг дунёқарашига қаттиқ таъсир кўрсатган “Ваҳдат ул-вужуд” таълимоти ҳақидаги дастлабки тасаввурларни Шайх Садриддин Ривосий уйғотади (“Шакли дилписанд ва ҳақойиқ ва маориф айтмоғи дилфириб эрди. Шариф суҳбатиға фақир мушарраф бўлдум... “Фусус” дарс айтур эрди, кўнглумни басе сайд қилди...”)

Навоий Самарқандга кетгунга қадар қаерда машҳур олим бўлса, албатта, унинг сабоқларини олишга тиришар эди. Жумладан, фалакиёт илмини Хожа Авҳад Муставфийдан (“...ўз асрининг ягонаси эрди. Кўпроқ улум ва фунунни билур эрди, батахсис улуми ғарибани, аммо фалакиётда шуҳрати бор эрди. Бу фақир ул бузруквор суҳбатиға етар эрди, кўп илтифотлари бор эрди..”.), мусиқа илмини Хожа Юсуф Бурҳондан (“...Фақр ва фано тариқида сулук қилур эрди. Ва тажарруд ва инқитоъ расмин кўп маслук тутар эрди. Фақир мусиқий илмида анинг шогирдимен”).

Алишер Машҳадда юрганда Камол Турбатий билан дўстлашади. Навоий шундай хотирлайди: “Фақирнинг ани кўрарга кўп орзум бор эрди, ошнолиғ бу навъ воқеъ бўлдиким, Султон Абу Саъид Мирзо замонида Машҳадда ғариб ва хаста бир буқъада (хонақоҳда) йиқилиб эрдим. Қурбон вақфаси бўлди, оламнинг ақсо билодидан халқ Имом равзаси тавофига юз қўйдилар. Расмдурким, мусофирлар мутааййин буқъа гаштига ҳам борурлар. Ул буқъадаким, фақир йиқилиб эрдим, жамоат сайр қилиб, деворда битилган абётни ўқуб, бир байт устида баҳсга тушдилар. Бир улуғроқ кишиким, ул жамоат анга тобеъ эрдилар, ул жамоатни илзом қилди. Фақир заъф ҳолида ул жамоат жонибидин сўз айттим. Анга дедиларким: бу бемор йигит ҳам бир сўз айтадур. Ул улуғ киши худ Шайх Камол эрмишким, зиёратга келган эрмиш, бошим устига келиб, мабҳасни ораға солди. Фақир жавоб бергач, ўз сўзидан қайтиб таҳсинлар қилиб, ҳолимни тафаҳҳус қилди. Эрса ул ҳам фақирни эшитган экандур ва кўрар ҳаваси бор экандур...

Шайх била ошнолиғ тақриби бу навъ воқеъ бўлди”.

Алишер Навоий Самарқандда Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий қошида исломий илмларни, хусусан, фиқҳ илми бўйича ўз билимларини чуқурлаштиради. Хондамир бу шахсни “Макорим”да “иккинчи Абу Али ибн Сино” деб атаса, Навоий уни “Иккинчи Абу Ҳанифа” деб улуғлайди (“...Фиқҳда ани Абу Ҳанифаи Соний дерлар эрди. Фақир икки йил аларнинг қошида сабақ ўқуб эрдим”).

Алишер Навоий тасаввуф илми, Ваҳдат ул вужуд концепцияси ва истилоҳлари ҳақидаги ўз қарашларини бевосита Абдураҳмон Жомий сабоқлари воситасида такомиллаштирди: “Яна “Лавоиҳ”дурким, суфия машойихи истилоҳида битилибдурким, андоқ рисола ҳеч роқимнинг қаламидин ва ҳеч қаламнинг рақамидин таҳрир топмайдур. Яна “Лавоми”дур, ҳам бу истилоҳдаким, ҳар ламъасининг партави соликка ҳирмон қоронғу тунида ҳидоят шамъининг осоридур, балки иноят машъалининг анвори. Яна “Шарҳи рубоийёт”дур, ҳам бу истилоҳдаким, фано тариқида мосиваллоҳ азосиға тўрт такбир урмоқ анинг мутолаасидин муяссардур”. Навоий яна бир ўринда ёзади: “...Ул вақтдаким, фақир алар хизматида суфия румузу ишорот ва алфозу иборот истилоҳин ўткарур эрдим, ҳазрати қутб ус-соликин шайх Фахриддин Ироқийнинг “Ламаот”и орзуси хаёлга кўп эврулур эрди. Бир кун тақриб била бу маънини изҳор қилдим. Алар дедиларким: “Тариқат машойихининг форсий кутуб ва расойили оз мутолаа қилилибдур, аммо чун ҳавасинг бор, андоқ бўлсун. То улким, ул шариф китобни сабақ айтурға муртакиб бўлдилар, ҳар кун ҳар сабақда хушҳол бўлуб таъриф қилурлар эрди... Бир неча сабақдин сўнгра сўз мушкулроқ бўлуб, шуруҳға эҳтиёж изҳори қилдилар ва шайх Ёрали шарҳин ва яна баъзи шуруҳни муборак назарларига қўюб, ул сабақни айтурлар эрди, то улким кўп мавзеъда шориҳларга таънлар қила бошладиларким “бу сўзнинг ва ул сўзнинг аросида кўп фарқ бор. Ҳамоноки маънисиға етмай шарҳ битибдурлар ва бу сўз такрор топқондин сўнгра фақир арз қилдимким: “Мундоқ нафис ва мушкил китобдин фақире баҳра топай деса ва шарҳ бу шарҳлар бўлса, оё, не чора қилғай? Магар ҳам ҳазрати Махдум шафқат юзидин толибларға бу мушкулни осон қилғайлар. “Андин сўнгра алар “Ашиъат ул-ламаот”ки бу тоифа кутуб ва расоили орасида маълум эрмаским ҳаргиз андоқ шарҳ қаламға келмиш бўлғай, бунёд қилдилар... Ул шарҳни битурда “Фусус” ва “Футуҳот” ва “Нусус” ва “Фукук” ва аксар қавмнинг умда кутуби муборак назарларида эрди, агарчи ҳеч қайсиға боқғали эҳтиёжлари йўқ эрди. То улким, бу шарҳ била “Ламаот”ни алар қошида фақир тугаттим”.

Алишер Навоий ёшликдан илоҳиёт сирасрорларини англашга тиришарди. Тасаввуф тариқатлари ўртасидаги келишмовчиликлар, мазҳабий курашлар, ақида ва риё муаммоларига асосли жавоб бера оладиган устозни излади. Ва ниҳоят, тақдир уни Абдураҳмон Жомий билан юзлаштирди. Алишер Навоий Абдураҳмон Жомий сиймосида қарашлари унинг динга, тариқатларга, илоҳиёт ва фалсафага муносабатига уйғун бўлган буюк зотни кўрди. Алишер Навоий уни ўз пири деб билиб, умрининг охиригача унга улкан муҳаббат ва миннатдорлик туйғуси билан яшаб ўтди.

НАВОИЙ ДЕВОНИНИНГ

Бошланиши 1-саҳифада

Кўриб ўтилаётган девондаги учта ғазал эса, “Хазойин ул-маоний”да учрамаслигини таъкидлаган. Бунда Ҳ.Сулаймонов хулосаси ўзи нашр қилган “Хазойин ул-маоний” матнидан келиб чиққан. Яна олим Метрополитен девонида мавжуд деган бу 3 ғазал айни девон қўлёзмасида келтирилмаган.

Ҳ.Сулаймоновнинг диссертация ишида келтирган Метрополитен девони тавсифига асосланадиган бўлсак, гарчи кўрганлигини аниқ айтмаса-да, олим қўлёзма билан бевосита таниш бўлган. Шунга қарамай, бу қўлёзма билан боғлиқ турли муаммоли фикрлар юзага келади. Баъзи мисолларга мурожаат қиламиз. Олим Метрополитен девонини “Терма девон” деган ном остида келтиради.

Айни девон ҳақида биз 2020 йил мақола эълон қилиб, уни “Наводир ун-ниҳоя” девонининг шоир ҳаётлигида тайёрланган энг охирги нусхаси бўлиши мумкин, деган тахминни илгари сурган эдик. Бунда биз Метрополитен девони қўлёзмасини кўрмасдан туриб, Ҳамид Сулаймонов диссертацияси 2-жилди сўнгидаги Навоий шеърларининг “Йиғма жадвали”да келтирилган 20та қўлёзманинг ўн саккизинчиси сифатида келтирилган маълумотларга суянганмиз.

Кўриб ўтилаётган девоннинг бошланиши қуйидагича:

Зиҳи зуҳури жамолинг қуёш киби пайдо,
Юзунг қуёшиға зарроти кавн ўлуб шайдо.

Қўлёзмадаги охирги байт:

Ҳам қоши бирла орази ҳуш эрур,
Ҳам кўзи бирла қадди дилкаш эрур.

Маълумки, Навоийнинг “Наводир ун-ниҳоя” ва “Наводир уш-шабоб” девонларида ҳам айни байт билан бошланадиган ғазал биринчи бўлиб келган. Шу боис бу икки девондан бири эмасмикин, деган мулоҳаза ҳам туғилади. Таркибига кўра у “Наводир уш-шабоб”га ўхшамасди ва шу боис “Наводир ун-ниҳоя” бўлиши мумкин, деган эҳтимол илгари сурилди. Албатта, бундай мулоҳазани илгари суриш шартли эди. Сабаби фикрларимиз девоннинг қўлёзмаси асл нусхасини кўрмаган ҳолда билдирилганди.

Нега айнан бу девон қўлёзмаси, унинг таркиби Навоий “Хазойин ул-маоний”сидан кейин тайёрланаяпти? Шу каби саволларга жавоб излаш мазкур мақолани ёзишга ундади.

Мақоланинг бошидаёқ Навоий ва Машҳадий ўртасидаги ижодий, кенг маънода адабий ҳамкорликнинг сўнгги намунаси Навоийнинг Метрополитен девони эканлигига диққатни қаратдик. Агар Метрополитен девони қўлёзмасини айни пайтда Ҳиротда бўлган Навоий ва Машҳадий ўзаро маслаҳатлашиб тугаллашган, деб ҳисобласак, унинг илмий аҳамияти жуда ошиб кетади. Сабаби у Навоийнинг ўз шеърлари устида ишлаганининг энг охирги босқичини кўрсата олади. Яъни Навоий лирик мероси лабораторияси(ижодхонаси)ни ўрганишда якунловчи босқич сифатида хизмат қилади. Навоий ва Машҳадий ижодий ҳамкорлиги мазкур девон билан ўз ниҳоясига етади.

Метрополитен девони билан танишишдан сўнг биз уч йил аввал келинган хулосани баралла айтишга ҳали эрталиги, олдинда ҳал қилинмаган бир қанча масалалар мавжудлиги ойдинлашди. Улар қуйидагилар:

1. Навоий “Терма девон”лари масаласи.

2. “Наводир ун-ниҳоя”нинг аслият матни муаммоси.

Ҳамид Сулаймонов Метрополитен девонини “Терма девон” деб атаган. Хўш, шундай экан, унга Навоийнинг айнан қайси шеърлари киритилган? “Хазойин ул-маоний”дан кейин тузилган ва ундаги шеърлардан сайлаб олинган шеърий тўпламлар шартли тарзда “Терма девон” деб аталган. Ҳозиргача Навоий “Терма девон”и ва номи остида 15-19 асрлар мобайнида кўчирилган юздан ортиқ қулёзма мавжуд. Уларнинг таркиби ва хос хусусиятлари, қайси ўлчовлар асосида тузилганлиги илмий жиҳатдан деярли ўрганилмаган. Мана шундай шароитда Навоий “Терма девон”и ва унинг бошқа нусхалардан фарқи, хос хусусияти ҳақида фикр юритиш анча мураккаб.

Метрополитен девони таркибидаги шеърларни “Наводир ун-ниҳоя” билан солиштириш учун мазкур девон аслият матни муаммоси чигалликка олиб келаяпти. Ҳозирга қадар бизга “Наводир ун-ниҳоя”нинг тўрт қўлёзмаси маълум. Улардан учтаси ҳақида М.Рашидова ва Тожикистондаги бир нусха тўғрисида Б.Мақсудов ёзган. “Наводир ун-ниҳоя” девонининг матни ва манбашунослик таҳлилига доир тадқиқотлар амалга оширилган. Лекин уларда биз кўриб ўтаётган девонга алоқадор фикр билдирилмаган. Эҳтимол, айни жиҳат мазкур девонни “Терма девон”лардан бири сифатида ҳисоблаб келинганлиги билан боғлиқ бўлса керак.

Маълумки, Алишер Навоий ўзи тарафидан тартиб берилган учта девонига дебоча ҳам ёзгани ҳақида “Хазойин ул-маоний”нинг дебоча қисмида айтиб ўтган. Аммо бугунги кунга қадар шоирнинг иккинчи девони – “Наводир ун-ниҳоя”нинг дебочаси билан кўчирилган нусхаси топилмаган. Навоий Метрополитен девонида ҳам дебоча мавжуд эмас. Бу эса фанда “Наводир ун-ниҳоя”нинг дебочаси билан боғлиқ муаммолар ҳам ҳали ечилмаганини англатади.

Ҳ.Сулаймонов Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси шарқшунослик институтида 1995 рақами остида сақланаётган, Султонали Машҳадий Ҳиротда кўчирган санасиз қўлёзмани “Наводир ун-ниҳоя” девони деб ҳисоблаган. Аммо Метрополитен девонини эса “Терма девон” деб атаган. Афтидан, Ҳ.Сулаймонов Метрополитен девони таркиби билан таниш бўлса-да, масаланинг мураккаблигини билгани ҳолда, айни девон ва “Наводир ун-ниҳоя” матни масалаларига махсус ҳамда кенг тўхталиб ўтирмаган. Бунга яна бир асос шуки, олимнинг асосий мақсади “Хазойин ул-маоний” девони таркиби, матнини тиклаш, Навоий шеъриятининг асосий,

ИСКАНДАР АСРАНДИ ФАРЗАНДМИ?

Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достони кўламдор мазмуни ва муаллиф салоҳиятини яққол кўрсатиши билан ажралиб туради. Бироқ достонга оид баҳсларда муаллифнинг бадиий концепциясига зид талқинлар учрайдики, уларни тузатиш зарурати бор.

Шоирнинг ўзи “Садди Искандарий”ни ёзишда тарих илмига жиддий эътибор қаратганини бир неча бор таъкидлайди. Жумладан, дебочадаёқ достонни ёзишдан “...улуғ мақсуд тарих илми махзанига вуқуф топмоғлиғ” эканини уқтиради. Бу кайфият достондаги тўрт сулола тарихи ва асарнинг бош қаҳрамони Искандарнинг насабига оид бадиий талқинларда ҳам намоён бўлади. Навоий “Тарихи мулуки Ажам”да “фақир “Садди Искандарий”да ул ики бузургвор қавлини сойир муаррихлар ақволиға таржиҳ қилиб, назм адосиға қарор беribмен”, дея достонни ёзишда Низомий ва Хусрав искандарномаларидан ижодий илҳомлангани, шунингдек, яна кўплаб тарихий манбаларга суянгани ҳақида ҳам ишора беради. Тўғри, искандарномаларни машҳур фотиҳнинг юришлари хроникаси деб қараш асоссиз бўлса-да, Навоийнинг юқоридаги қайдлари “Садди Искандарий” тарихий асосларга таянувчи асар экани, бинобарин, унга бутунлай тўқима ёки мажозий асар сифатида қараб бўлмаслигини ҳам англатади.

Мазкур фикрларни достон “улуғ мақсуд”га мувофиқ классик тарихнавислик қоидалари асосида бошлангани, асосий қисмнинг бошида Ажам шоҳлари: пешдодий, каёний, ашконий ва сосонийлар тарихи қисқа баён қилингани ҳам далиллайди. Навоий Ажам шоҳлари тарихи борасида, асосан, Қози Байзовийнинг “Низом ут-таворих”ига, ўрни билан “Тарихи гузида” ва “Тарихи Банокатий”га таянади. Хусусан, Навоийнинг пешдодийлар, уларнинг умумий сони ва кетма-кетлиги борасидаги маълумотлари кейинги икки тарихий асар билан тўла уйғун келади. Таъкидлаш керакки, мавзуга бундай ёндашув салафларида учрамайди.

Бироқ Навоий жиддий аҳамият берган ва катта меҳнат билан асарига олиб кирган бу каби ўринлар ҳар доим ҳам тўғри талқин қилинавермайди. Эътиборсизлик сабаб шоир интилган ва тасвирлаган ҳақиқат янглиш талқин этилади, натижада Навоий янглиш талқинларга таянувчи ижодкор сифатида гавдаланиб қолади. Хавотирли томони бундай талқинларнинг ўқув қўлланмаю дарсликларда ҳам акс этишидир. Навоийшуносликда кам эътибор қаратилган, лекин кўплаб чалкашликларга сабаб бўлган ана шундай ўринлардан бири Навоийнинг Искандар насабига оид талқинларидир.

Аксар навоийшунослар бугун ҳам Навоий “Садди Искандарий” достонининг бош қаҳрамони бўлган Искандар образини асранди фарзанд сифатида талқин этган, деган фикрни билдиришади. Афсуски, бу – Навоий тасвиру талқинларига зид қараш бўлиб, жуда кўп мантиқсизликларни келтириб чиқаради. Навоий айни масалани алоҳида бир фаслда (XV) ёритган бўлиб, унда Искандарнинг насабига оид ихтилоф борасида аниқ муносабат билдирган.

Навоий Ажам шоҳларининг иккинчи сулоласи – каёнийлардан бири Дорийи Баҳман ҳукмронлиги замонида Искандар дунёга келгани, бу пайтда Рум волийси Файлақус Дорога бож тўлаши тўғрисида ёзар экан, шу ўринда Низомий Файлақус ишидан яхши хабардорлигини таъкидлаб, унинг “Искандарнома”сидан барчага маълум “вайронадан топилган Искандар” ҳақидаги афсонани иқтибос қилиб келтиради. Навоий айни лавҳа Низомийдан иқтибос эканини шундай эслатади:

Низомийки назм аҳлиға шоҳ эди,
Бу шаҳ саргузаштидин огоҳ эди,
Китобида дер чоғ нишонин анинг,
Бу янглиғ деди достонин анинг
Ки, насл ичра йўқ эрди пайванд анга,
Мурод эрди оламда фарзанд анга…

Бу лавҳа Навоий учун ҳам Файлақуснинг тарихи, ҳам Искандарнинг насабига дахлдор экани билан аҳамиятли эди: “Скандар атаб, ўғли билди ани, Ўларда валиаҳд қилди ани”. Мазкур байт иқтибос қилинган “асранди фарзанд” ҳақидаги лавҳанинг якуни бўлиб, айрим изланувчилар ушбу лавҳа ва байтга таяниб, Навоий Искандарни асранди фарзанд сифатида талқин этган, деган хулосага келишади. Аммо бундай хулоса қилишга шошмаслик керак, чунки Навоий мазкур лавҳа ва байтдан кейин Искандарнинг насабига оид баҳсни давом эттириб, яна иккита қарашни келтиради.

Улардан бири “Искандар Доробнинг ўғли, у насабига кўра каёнийлардан” деган қараш бўлиб, Навоий бу насабга оид навбатдаги қарашлардан бири эканига шундай ишора қилади: “Муаррих яна навъ ҳам сурди сўз Ки, нисбатда Дороға еткурди сўз”. Ушбу фикр якунлангач, Навоий Искандарнинг насабига оид учинчи – дунёда иккита Искандар ўтган, бири Доро билан жанг қилган, бири Яъжужга қарши сад қурган, деган талқинга ўтади: “Яна бўйла сўз доғи мазкур эрур Ки, “Таърихи фурс” ичра мастур эрур. Ки, оламда ики Скандар эмиш Ки, икиси давронда довар эмиш”.

Искандар насабига оид бундай ихтилофлар Навоийни тараддудда қолдирган ва уни ўша кезларда “Хирадномаи Искандарий”ни ёзаётган Жомий билан маслаҳатлашишга ундаган. “Садди Искандарий” достонидан маълум бўлишича, Навоийнинг мазкур масалага оид саволига Жомий қуйидагича жавоб берган:

Анингдекки аслин Низомий деди,
Ҳамул навъ фарзона Жомий деди
Ким, ул Файлақус ўғли эрмиш яқин,
Эмас аҳли таърих тардиди чин.

Иккинчи байт Жомий Искандар асранди фарзанд эмас, балки Файлақуснинг ҳақиқий ўғли, деган фикрда бўлганини тасдиқлайди. Шундай бўлса-да, Низомийнинг бу масалага оид позициясини ҳам кўрсатиш зарурати бор. Низомий “Искандарнома”да Искандарнинг насабига оид уч хил қарашни келтиради: 1) Румликлар талқини: Искандар бир зоҳид аёлнинг фарзанди бўлиб, онаси вайронада туғибоқ вафот этган; 2) Озарпарастлар талқини: Искандар Дородан бўлган фарзанд; 3) Тарихчилар талқини: Искандар Файлақуснинг ҳақиқий ўғли. Низомий учинчи қарашни маъқуллаб, дастлабки икки қарашни танқид қилади: “Билдимки, ҳар икки талқин ҳам хато, Унда ҳақиқатдин асар йўқ асло”. Жомий Навоий билан суҳбатда Низомийнинг айни қарашини назарда тутган, буни “Хирадномаи Искандарий”да Искандар ҳақиқий шаҳзода сифатида тасвирлангани ҳам тасдиқлайди.

Навоий Жомий билан суҳбатдан сўнг устозларининг “Искандар ҳақиқий шаҳзода бўлган”, деган қарашини қабул қилган. Буни Жомий билан маслаҳат якунида келган қуйидаги байт ҳам кўрсатади: “Қилинди чу таҳқиқ тадқиқ ила, Қилай эмди тадқиқ таҳқиқ ила”. Яъни синчиклаб текшириш билан ҳақиқат аниқланди, энди ана ўша ҳақиқат асосида бирма-бир (воқеаларни) ёзай. Аслида, Навоий мазкур хулосани Искандарнинг насабига бағишланган фаслнинг сарлавҳасидаёқ аниқ қайд этган: “…анинг насабида ихтилофким, тарих аҳли қилмишлар ва ул ихтилофни рафъ этиб, аҳли таҳқиқ ишининг ҳақиқатин билмишлар”. Сарлавҳадаги “аҳли таҳқиқ” сифати Низомий ва Жомийга ишора бўлиб, бу – Навоий Искандарнинг насаби борасида устозлари билан ҳамфикр эканини англатади. Ҳатто юқоридаги байтда келган “таҳқиқ” сўзи ҳам сарлавҳадаги “аҳли таҳқиқ” бирикмаси билан алоқадорликда фикримизни тасдиқлашга хизмат қилади.



“Садди Искандарий” достонида Искандар асранди фарзанд эмас, балки чинакам шаҳзода сифатида бадиий талқин этилганини асословчи яна бошқа далиллар ҳам мавжуд. Улардан бири шуки, достоннинг бирор ўрнида ўгай она ҳақида қайд йўқ, аксинча, Искандар умрининг охирида онасига мактуб ёзиб, унга туққан онадек муносабат билдиради. Шунингдек, достон хотимасида етти ҳакимнинг алоҳида-алоҳида таъзия билдиришида ҳам ҳақиқий она ва қонуний маликага бўлган ҳурмат аниқ сезилиб туради. Навоий Искандарни Файлақуснинг ҳақиқий ўғли сифатида талқин этгани тушунилса, кўпгина мантиқсизликлар барҳам топади. Биринчидан, муаллиф назарда тутган объектив ҳақиқат юзага чиқади, иккинчидан, Навоий интилган илмий холислик, яъни муҳим тарихий фактлар билан достон воқеалари ўртасидаги мувофиқлик намоён бўлади. Аслида, Навоий мана шу ҳақиқат учун курашган, кўплаб манбалар билан танишган, шундан сўнг узил-кесил қарор қилган. Навоийшуносликда эса, муаллиф интилган тарихий фактлар четга сурилиб, адибни мавжуд қарашларга мослаштириш устувор мавқе қозонган. Учинчидан, ижодкор асарларининг илмий асосланган, ундаги муҳим ўринлар тарихий ҳақиқатларга мувофиқ келиши, достон фақат уйдирма ёки афсоналарга таянмагани ойдинлашади. Бу, охир-оқибат, янглиш талқинларнинг олдини олиш билан бирга сохта талқинлардан тийилишни тақозо этади.

Хулоса шуки, Навоий “Садди Искандарий” достонида Искандар насабига кўра Файлақуснинг ҳақиқий ўғли, деган тарихий ҳақиқатни бадиий талқин этган. Навоийдек улуғ ижодкор асарлари таҳлилида бадиий мантиқ билан бирга ҳаётий ва илмий мантиқни ҳам ёддан чиқармаслик, ижодкор интилган ва ўз асарида поэтик тасвирлаган воқеликни муаллиф позицияси, ишораларидан келиб чиқиб талқин этиш жуда муҳим. Бунда иккиламчи қарашлар, фаразларга эмас, матнда акс этган муаллиф тасвирига, ифодасига таяниш зарур. Ҳар қандай баҳсли масалага Навоийнинг ўзидан жавоб излаш – энг тўғри йўлдир.

Илёс ИСМОИЛОВ,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Барҳадин яхшироқ ҳаёт гули

АМЕРИКА ҚЎЛЁЗМАСИ

яхлит матнини тайёлаб, китобхонларга тезроқ етказишдан иборат бўлган. “Илк девон”, “Бадоеъ ул-бидоя”, “Наводир ун-ниҳоя” каби девонлар матни нашри масаласига кўп диққат қилмаган. Масалан, “Илк девон”нинг факсимиле нашри билан чекланган. Ҳ.Сулаймоновнинг Навоий девонлари, хусусан, “Хазойин ул-маоний” матни устидаги тадқиқоти ва айни асар матнининг дастлабки нашридан чорак асрдан кўпроқ вақт ўтиб, “Бадоеъ ул-бидоя” ва “Наводир ун-ниҳоя”-нинг матнлари нашрлари Қўлёзмалар институти (1978–1998) томонидан амалга оширилди.

Ҳамид Сулаймонов “Наводир ун-ниҳоя” деб атаган қўлёзмани Метрополитен девони таркиби билан дастлабки солиштириш баъзи хулосаларга олиб келди. Ўша “Наводир ун-ниҳоя”да 628 та, Метрополитен девонида эса 800 та ғазал бор. Кўринишидан, 628 та ғазалга яна 172 таси қўшилиб, Метрополитен девони вужудга келгандек. Бу икки қўлёзмадаги Навоий девони таркиби бир-бири билан солиштирилганида, Ҳ.Сулаймонов “Наводир ун-ниҳоя”сидаги 628 та ғазалнинг барчаси эмас, чамаси 450 таси Метрополитен девонига ўтган бўлиб чиқди. Ҳ.Сулаймонов “Наводир...”и биз ўйлаганчалик Метрополитен девони учун асосий манба бўлмаган кўринади. Чунки кўп шеърлар (салкам ярим – 44%) Ҳ.Сулаймонов “Наводир...”ига ташқаридан олиб қўшилиб, Метрополитен девонини вужудга келтирган. Балки шунинг учун Ҳ.Сулаймонов Метрополитен девонини “Терма девон” деб атай қолган.

Моҳиятан олганда, “Наводир ун-ниҳоя” девони масаласи анча мураккаб ва охирги нуқтасига етмаган. Юқорида келтирганимиз номи шартли тарзда олинган Ҳ.Сулаймонов “Наводир ун-ниҳоя”сидан ташқари. Бу девон қўлёзмасидан кейинчалик топилган яна бир “Наводир ун-ниҳоя” мавжуд бўлиб, у 1487 йили Абдулжамил котиб томонидан кўчирилган. У ҳам ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси шарқшунослик институтида 11675 рақами остида сақланади.

Машҳадий Ҳиротда кўчирган, юқорида кўриб ўтганимиз “Наводир ун-ниҳоя” қўлёзмаси ҳақида биринчи бўлиб Ҳ.Сулаймонов маълумот берган. Бу фикр айтилган вақт 1961 йилга тўғри келади. Абдулжамил котиб кўчирган “Наводир ун-ниҳоя” нусхасидан Ҳ.Сулаймонов хабардор бўлмаган. Айни қўлёзма нусхаси Алишер Навоий “Мукаммал асарлар тўплами” 20 томлик нашрининг 2-томида чоп этилган “Наводир ун-ниҳоя” девони матни учун асос қилиб олинган. Бу нашр 1987 йили Ҳ.Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти олимлари томонидан амалга оширилган.

Демак, Ҳ.Сулаймонов Шарқшунослик институтидаги қўлёзмани “Наводир ун-ниҳоя” девонинг асл матни деб ҳисоблаган. Қўлёзмалар институти Абдулжамил котиб 1487 йили кўчирган “Наводир ун-ниҳоя” қўлёзмасини шундай деб ҳисоблаган. Ваҳоланки, навоийшунос олимлар Дилнавоз Юсупова ва Ойсара Мадалиеванинг фикрича, бу икки қўлёзма таркиби бир-бирига яқин эмас. Навоийнинг ўзи тузган дастлабки девони “Бадоеъ ул-бидоя”даги ғазалларнинг бир қисми, бундан ташқари бошқа турли жанрдаги шеърлардан муайян қисми деярли ўзгаришсиз Ҳ.Сулаймонов “Наводир ун-ниҳоя”сида ҳам, асосий диққат марказимизда бўлган Метрополитен девони таркибида ҳам келтирилган. Бундай такрорлар ғалати туюлади.

Кўриб ўтаётганимиз Ҳ.Сулаймонов ва Абдулжамил “Наводир ун-ниҳоя”лари қўлёзмаларидаги ғазаллар қисмининг бошланиши ва охири бир хил. Фақат айни бир хилликдан келиб чиқиб, улар “Наводир ун-ниҳоя”нинг турли қўлёзмалари деб тушунилган, бирлаштирилиб 20 томликнинг 2-жилдида нашр қилинган. Ҳ.Сулаймонов “Наводир ун-ниҳоя”сидаги ғазалдан бошқа жанрдаги шеърлар 20 томликка киритилмаган.

Саволлар пайдо бўлади:

1. “Наводир ун-ниҳоя”нинг кўриб чиқаётганимиз икки қўлёзмасида ҳам тугалланиш бир хил – бу қўлёзма “девони жадид” деб аталган. Аммо “девони жадид” – “янги девон” деган сўзлар айнан “Наводир ун-ниҳоя”ни ифодалайди, деб ким кафолат бера олади? Балки бу ном остида Алишер Навоий шеърларидан иборат бўлган “Наводир ун-ниҳоя” эмас, “Терма девон” тушунилаётгандир?

2. “Наводир ун-ниҳоя” деб аталаётган қўлёзмалар билан боғлиқ ноаниқликлар мавжуд бир шароитда “Наводир ун-ниҳоя”нинг йиғма ёки илмий-танқидий матнини яратиш масаласига киришиш янада кўпроқ чалкашликларга олиб келиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, 20 томликнинг 2-томида келтирилган матн Навоийнинг ҳаётлиги даврида кўчирилгани туфайли уларнинг Навоийнинг “Наводир ун-ниҳоя” девони ёки эҳтимолан Навоий шеърларидан таркиб топган “Терма девон” ҳам бўлиши мумкин, деган фикрга олиб келаяпти. Биз 2-томдаги нашр “Наводир ун-ниҳоя” девонининг асл матни бўлишини ва унга суяниб, илмий хулосалар чиқаришни жуда-жуда истаймиз. Аммо кўриб ўтганимиз мавжуд шубҳалар, муаммоли фикрларни ҳал этиш лозимлиги ҳам кўриниб турибди.

Бу мақоладан кўзда тутган мақсадимиз Навоийнинг АҚШда сақланаётган “Терма девон”и моҳиятан “Наводир ун-ниҳоя”ми ёки йўқлигини аниқлаш эди. Лекин солиштиришга асос бўлувчи аниқ “Наводир ун-ниҳоя” матни мавжуд эмаслигидан келиб чиқиб, “Наводир ун-ниҳоя” матни билан боғлиқ юқоридаги чигалликларни кўрсатишга уриндик. Янги тадқиқотлар ҳақиқатни аниқлашга ёрдам берар, деб ишонамиз.

Муҳими шуки, моҳиятига кўра қандай номланишидан қатъи назар, Алишер Навоийнинг мақоламизда диққат марказида бўлган, машҳур хаттот Султонали Машҳадий томонидан 905/1499 – 1500 йили Ҳиротда кўчириб тугалланган девони шоир ижодхонасини ўрганишда ҳамда Навоий ва Машҳадий адабий ва китобат-қўлёзма санъати бўйича ижодий ҳамкорлигининг сўнгги намунаси сифатида хос ўринга эга.

Афтондил ЭРКИНОВ,
филология фанлари доктори,
Метрополитен музейи (Нью-Йорк, АҚШ)
ислом санъати бўлими тадқиқотчиси

БУЮК МУТАФАККИР СИЙМОСИ ОПЕРА САҲНАСИДА

Алишер Навоий номидаги академик катта театрда буюк мутафаккир Алишер Навоий сиймосига эътибор ўтган асрнинг саксонинчи йилларида бошланган. Композитор Мутаваккил Бурҳонов илк бор “Алишер Навоий” операсини яратган эди. Афсуски, бу опера театр репертуарида узоқ турмади. 2021 йилнинг декабрь ойида Маданият вазирлиги давлат буюртмаси асосида “Алишер Навоий” операсини саҳналаштиришни таклиф қилди. Опера либреттосини яратиш навоийшунос олим Шуҳрат Сирожиддинов ва драматург Оқил Узоқовга топширилди. Либретто билан танишиб чиққан театрнинг Бадиий кенгаши композитор Мустафо Бафоевга мусиқа басталаш таклифини берди.

Олти ой спектакль устида ишлаган ижодий жамоанинг сўнгги бир ойи изланишларга бой бўлди. Сабаби, шу вақт ичида жамоа спектаклни Маданият вазирлигининг Бадиий кенгашига уч марта қайта топширди. Биринчи ҳаракатда картиналар ўзаро мантиқан боғланмаган, деган қарорга келинди. Жамоа Навоийнинг фалсафий рубоийларидан фойдаланиб, воқеаларни мантиқан бир-бирига боғлай олди. Иккинчи кўрикда спектаклда иштирок этадиган персонажларнинг либослари талабга жавоб бермаслиги ҳамда бешинчи ва олтинчи картиналар мантиқ жиҳатидан ўрни алмашгани, айниқса, хотима қайта кўриб чиқилиши таклиф қилинди. Учинчи бор ташкил этилган кўрикдан сўнг ижодий жамоа премьерага тайёргарлик кўра бошлади.



Муҳими, театр ижодий жамоаси Бадиий кенгаш таклифларини тўғри қабул қилди. Чунончи, бу театр мухлисларининг бир қисмини Тошкентда ишлаётган чет эл элчихоналари ходимлари, уларнинг оила аъзолари ҳамда Ўзбекистонга келган чет эллик меҳмонлар ёки сайёҳлар орасидаги опера санъатининг мухлислари ташкил қилади. Шунинг учун бу операнинг воқеалар тизими, давр ҳамда муҳитини белгилайдиган либослар мантиқан тўғри бўлиши лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, ижрочиларнинг ўзбек тилига муносабати масаласидаги эътироз билан боғлиқ изланишлар ҳам ижобий натижа берди. Сўзни тўғри ижро қилиш куйловчи актёрлар учун анча мураккаблиги маълум. Шу сабаб бу жараён кўп меҳнатни талаб қилади. Бу борада ижодий жамоанинг ўзига хос ютуғини спектакль режиссёри Ҳайдарали Қосимов шундай изоҳлади: “Жамоа Қорақалпоғистонда гастроль сафарида бўлганида Сулаймон Юдаковнинг “Майсаранинг иши” операсини намойиш қилди. Операни кўрган машҳур режиссёр, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Нажмиддин Ансатбоев “Мен бугун биринчи марта операни масза қилиб томоша қилдим, чунки унда барча нарса аниқ ва равон ижро қилинган”, деган эди. Бу ютуқнинг омили, спектаклдаги ҳар бир образнинг мусиқий баёни ёрқин ифодаланганида, ижрочиларнинг овозлари эса персонажлар характерига мослигида, актёрлар ўз маҳоратини ёрқин намоён қила олганида эди.

“Операдаги воқелик юз фоиз композитор ёзган мусиқа асосига курилади. Ундаги бир-бири билан уйғунлашадиган ёки инкор қилиб ўзгарадиган жуда нозик ва қатъий талаблар ритм, такт ва темп асосида ифодаланади. Мусиқали театр режиссёри композитор ёзган асарнинг клавирини ўқий олиши шарт. Фақат шундай режиссёргина бадиий яхлит мусиқали спектакллар ярата олади. Бизнинг театрда клавир ўқий оладиган режиссёр бор, у Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ҳайдарали Қосимов”, дейди спектаклнинг мусиқа раҳбари ва дирижёри Фазлиддин Ёқубжонов.

Мустафо Бафоевнинг мусиқий асарида опера санъатининг барча талаблари назардан четда қолмаган, муқаддима, ариялар, дуэтлар, трио, жўрсиз хор, рақс ва оммавий саҳналарга кенг ўрин берилган. Операнинг бадиий-мусиқий яхлитлиги Алишер Навоийнинг “Муножот” ғазали спектакль учун лейтмотив қилиб олинганида. Шунингдек, бош қаҳрамон Навоий образининг ёрқин ифодаланишига унинг улкан давлат арбоби бўлгани, юртига ва дўстига садоқати, халқпарварлиги, ёш ижодкорларга эътибори, устозларига ҳурмати, она тилига чексиз муҳаббати асос бўлган.

Операнинг муваффаққиятли чиқишида яна муҳим бир асос шуки, композитор ҳар бир персонаж учун тўғри белгиланган овоз имкониятига аҳамият қаратган. Масалан, Алишер Навоий роли ижрочи Рустам Алимардонов – тенор, шоҳ Ҳусайн Бойқаро роли ижрочиси Ҳотам Йўлдошев ва Меҳриддин Мелиев – бас, Хадичабегим роли ижрочиси Феруза Юсупова – меццо сопрано, Илҳом париси – Маъсума Болтабоева – сопрано, устоз Жомий роли ижрочиси Шукур Ғофуров ва Носир Юсупов – баритон. Айни пайтда Навоийнинг асарларини ўқиб, саҳнадаги воқеаларни мантиқан бир-бирига боғлаб турган Абдуғани Рўзиевнинг ҳамда барча ижрочиларнинг маҳоратини таъкидлаш лозим.

“Алишер Навоий” операсининг яна бир муҳим ютуғи саҳна сценографиясининг бадиий яхлитлигидир. Таниқли рассом Шуҳрат Абдумаликов бу сафар ҳам саҳнада содир бўлаётган воқеаларга, даврга мос муҳит яратишга хизмат қилувчи декорациялар яратган. Алишер Навоийнинг машҳурлигига ва улуғлигига мос равишда Шарқ маданияти, архитектурасидаги турли шаклларга маҳобатли тарзда акс эттирилган. Рассом уларга ранг ва нур беришга алоҳида эътибор қаратган. Саҳнадаги воқеа моҳиятига мос равишда гоҳ гумбазга, гоҳ маҳобатли иморатдаги нақшларга ранг ва нур берилиши саҳналарни янада салобатли ва сеҳрли қилиб кўрсатади. Шу ўринда режиссёр ва рассомнинг ижодий ҳамкорлиги ижобий натижа берганини таъкидлаш жоиз.

Биз Ҳ.Қосимовга “Ушбу постановкага қадар қайси миллий операларни ўрганиб, тажриба орттирдингиз?” деган савол билан мурожаат қилганимизда, у: “Алишер Навоий” операсини саҳнага олиб чиққунга қадар Мухтор Ашрафийнинг “Дилором”, Икром Акбаровнинг “Сўғд элининг қоплони”, Тўхтасин Жалилов ва Борис Бровциннинг “Тоҳир ва Зуҳра”, Сулаймон Юдаковнинг “Майсаранинг иши”, Мустафо Бафоевнинг “Севги самоси”, шунингдек, жаҳон классикасидан Жорж Бизенинг “Марварид қидирувчилар”, Руджиеро Леонкаваллонинг “Паяцы” каби операларини театрнинг тажрибали дирижёри, профессор Фазлиддин Ёқубжонов билан ҳамкорликда саҳналаштирдик”, деди.


“Мустафо Бафоев замонамизнинг етук композиторларидан бири, – деди Ф.Ёқубжонов. – У завқ билан ижод этган “Алишер Навоий” операсида миллий, анъанавий, халқ қуй-қўшиқларидан моҳирлик билан фойдаланган. Навоийнинг “Топмадим”, “Муножот”, “Қаро кўзим” каби машҳур ғазаллари ҳамда фалсафий рубоийлари ижроси спектаклнинг ранг-баранг ифодавийлиги ва таъсирчанлиги ошишида муҳим аҳамият касб этган”.

Хулоса шуки, Алишер Навоий номидаги академик катта театрнинг репертуари ўз номига монанд миллий опера билан бойиди. Операнинг томошабинларга маънавий ва руҳий озуқа бериши бардавом бўлишини истаб қоламиз.

Маъмур УМАРОВ,
фалсафа фанлари номзоди,
профессор



Алишер Навоий “Хазойин ул-маоний”ни тартиб беришдан аввал “Бадойиъ ул-бидоя” ва “Наводир ун-ниҳоя” номли икки девон тузган. Навоий лирикаси матншунослиги академик тарзда ўрганила бошлаганига бир асрдан ошди ҳамки, мазкур икки девон хусусида баъзи масалалар ҳали-ҳануз ўз ечимини топган эмас.



«БАДОЙИЪ УЛ-БИДОЯ»НИНГ МАШҲАД НУСХАСИ

Ушбу девонларнинг нечанчи йилларда тартиб берилгани масаласи шулар сирасига киради. Ўз даврида А.Абдуғафуров Навоий девонларининг тузилиш саналарига бағишланган илмий мақолаларини эълон қилган эди. Олим, хусусан, “Бадойиъ ул-бидоя”нинг тузилиш санасини аниқлаш масалага С.Л. Волин ва Е.Э.Бертельс каби олимлардан сўнг Ҳоди Зариф 1959 йил диққат қаратганини, аммо 30 йилдирки (бунда мақола эълон қилинган 1989 йилгача бўлган муддат назарда тутилмоқда – О.М.) олимлар етарлича эътибор бермаётгани ҳақида ёзади. А.Абдуғафуров дастлабки девоннинг тартиб санасини аниқлашда унинг дебочасидаги айрим лавҳалар, шунингдек, девондан ўрин олган баъзи шеърларнинг мазмунига эътибор қаратади. Шу тариқа, олим “Бадойиъ ул-бидоя”-нинг 884/1478–1479 йилда тузилган, деган хулосага келади.

А.Абдуғафуровнинг бу борада келтирган далиллари асосли. Фақат яна бир нарсани назардан четда тутмаслик лозим. Бу ҳам бўлса, девон дебоча ёзилишидан бир-икки йил аввал тузилган бўлиши ҳам мумкин. Фикримизни Навоий куллиётининг муаллиф ҳаётлиги чоғи тартибланган нусхасида “Хазойин ул-маоний” девони мавжуд бўлса-да, унинг дебочаси йўқлиги билан далиллаш мумкин. Яъни илк куллиёт тузилган 901/1496–1497 йилда ҳали “Хазойин ул-маоний”га дебоча битилмаган. Акс ҳолда муаллиф раҳнамолигида тартиб берилаётган куллиётга девонлар мажмуаси дебочаси билан кўчирилар эди, бизнингча. Зеро, шоирнинг ўзи дебочада: “... бу фиҳрастдин бу арзадоштни айирмасқа васийят эткаймен”, дея таъкидлайди. Шунинг учун, аввал девон тартиб берилиб, ҳатто ундан нусхалар кўчирилиб, сўнг махсус дебочалар ёзилган бўлиши ҳам мумкин, деб ўйлаймиз.

М.Имомназаров таъкидлаганидек, “Бадойиъ ул-бидоя” девонининг ҳали мукаммал нашри мавжуд эмаслиги масаласи ҳам бор. Тўғри, мукаммал асарлар тўпламининг биринчи томида “Бадойиъ ул-бидоя” девони чоп этилган. Аммо тадқиқотлар ушбу нашрнинг ишончли эмаслигини кўрсатмоқда.

Ҳ.Сулаймонов “Навоий лирикаси тарихи” номли докторлик диссертациясини ҳимоя қилган пайтда “Бадойиъ ул-бидоя” девонининг муаллиф ҳаёт вақти китобат қилинган тўртта нусхаси маълум эди.

Сўнгги беш йиллар ичида А.Эркинов, А.Турдиалиев ва С.Болтабоев каби олимлар томонидан ушбу девоннинг Навоий вафотига қадар кўчирилган яна уч нусхаси борлиги эълон қилинди ва “Бадойиъ ул-бидоя”нинг дунё фондларида еттита санали нусхаси мавжудлиги ўртага чиқди.

Булар қуйидаги қўлёзмалардир: Париж нусхаси. Франция Миллий кутубхонаси, № 746. 885/1480 – 1481 йил. Котиби номаълум; Лондон нусхаси. Британия музейи, № 401. 887/1482 – 1483 йил. Котиби номаълум; Теҳрон нусхаси. Ислом шўро мажлиси кутубхонаси, № 14197. 888 йил, сафар ойи /1483 йил март-апрель. Котиби номаълум; Боку нусхаси. Озарбойжон Республикаси қўлёзмалар фонди, № 3010, 889/1484 йил. Кўчирувчи номаълум; Истанбул нусхаси. Туркия, Сулаймония кутубхонаси, Ayasofya № 3981. 889/1484 – 1485 йил. Ҳирот, Султонали Машҳадий; Тошкент нусхаси. ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейи, № 216. 891/1486 йил, Ҳирот, Али ибн Нур; Теҳрон нусхаси II. Эрон Миллий кутубхонаси, № 1082924. 906/1500 – 1501 йил.

“Бадойиъ ул-бидоя” девонининг ушбу еттита қўлёзмаси устида тадқиқотлар амалга оширилиб келинмоқда. Булар орасида навоийшунослар А.А.Семёнов, С.Л.Волин, О.С.Левенд, Ҳ.Сулаймонов, А.Абдуғафуров, Ш.Шарипов, М.Ҳакимов, М.Имомназаров, Д.Салоҳий, А.Турдиалиев, А.Эркинов, О.Жўрабоев ва С.Болтабоевнинг ишлари диққатга лойиқ.

Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ва Эрон Ислом Республикасининг Машҳад шаҳрида жойлашган Китобхонаи Остони Қудси Разавий ташкилоти ўртасида ҳамкорлик ўрнатилди. Ушбу кутубхонанинг таклифига мувофиқ бу икки ташкилот фондларига оид икки мўътабар қўлёзманинг рақамлаштирилган нусхаси ўзаро алмашинди.

Эрон томонидан Ўзбекистонга туҳфа этилган қўлёзма тегишли кутубхонанинг феҳрести ва нашр этилган бошқа каталогларда “Девон-и Навоий” номи билан тавсиф этилган. Феҳрест ва каталогларда Навоий лирикаси билан жиддий шуғулланмаган мутахассислар томонидан шоир девонларининг умумий ном билан тавсиф этилиши одатий ҳолат ҳисобланади.

Хусусан, 2008 йил доктор Шоди Ойдин томонидан Истанбулда чоп қилинган “Эрон кутубхоналаридаги туркий ёзмалар каталоги”да мазкур девон қўлёзмаси қуйидагича тавсиф этилган: “Алишер Навоий. Девон-и Навоий. Котиб Дарвеш Муҳаммад Талақоний (аслида Тоқий, каталогда Талақоний деб ёзилган – О.М.) томонидан жумоди I 896/1491 йил март–апрель ойларида кўчирилган. Настаълиқ хатида. 17 сатр. 204 варақ. 24,3х15,5. Инв. № 4783”.

Ушбу тавсифнинг диққатимизни тортган томони қўлёзманинг тўлиқ экани ва шоир ҳаётлиги чоғи кўчирилганида эди. Шунинг учун, устозимиз А.Эркинов билан маслаҳатлашган ҳолда Остони Қудси Разавий кутубхонаси мутасаддиларидан айнан шу қўлёзма девоннинг рақамлаштирилган нусхасини сўрадик. Икки томонлама мазкур нусха “Арбаъин” билан бирга китобат қилинган иккинчи “Бадойиъ ул-бидоя” нусхаси ҳисобланади. Сабаби “Бадойиъ ул-бидоя”нинг Истанбул нусхаси ҳам “Арбаъин” асари билан бирга китобат қилинган.

Девоннинг Машҳад нусхасида дебоча мавжуд эмас. Қўлёзма девон:

Ашрақат мин акси шамсил-каъси анворул-худо,
Ёр аксин майда кўр, деб жомдин чиқти садо –

ғазали билан бошланган ва қуйидаги фард билан якунланган:

Сел йўлида, фано даштида мужгоним эмас,
Кўз алачуқларининг дуд егон ўқларидурур.

Қўлёзма девондан муаллифнинг ғазал, мустаъзод, мусаддас, мухаммас, таржиъбанд, қитъа, рубоий, луғз, муаммо, туюқ, фард жанрларидаги шеърлари ўрин олган.

Нусханинг 127а, 155а, 161а, 169а, 204б варақларида муҳрлар мавжуд.

Хулоса шуки, ушбу мақолада сўз юритганимиз нусха 1491 йил кўчирилгани ва тўлиқлиги – қўлёзманинг бошланиши ва якуни мавжудлиги, шунингдек, орасида узилишлар йўқлиги билан диққатга лойиқ. Бизнингча, мазкур қўлёзма таркиби, шеърлари матнини “Бадойиъ ул-бидоя”нинг бошқа нусхалари билан қиёсий ўрганиш муҳимдир. Зеро, Навоийнинг доимий тарзда шеърларини такомиллаштириб боргани маълум. Шу боис, ушбу қўлёзмалар матнининг қиёси шоир лирикаси лабораториясининг 1486 ва 1491 йиллар орасидаги ўзгаришларини ўртага чиқариши мумкин. Биз фаолиятимиз давомида ушбу мавзуга жиддийроқ киришиш ниятидамиз.

Ойсара МАДАЛИЕВА,
ЎзР ФА Шарқшунослик институти катта илмий ходими,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори

БУЛДУРУҚ – УЧ ҚОРГА ТЕНГ

“Булдуруқ” сўзининг маъносини ёши улуғ кишилар яхши билади. Бу йил қишда анчайин совуқли кунлар бўлди. Қиш ўз ўрнида, ёз ҳам ўзига хос бўлса ҳосил мўл бўлади, дейишади. Етмиш ёшга кириб, бир ярим метр қалин қор ёққанига, айрим йиллари эса қишнинг чилласида ҳам кунлар йигирма даражагача исиб кетганига гувоҳ бўлганман.



Хизмат сафари билан айни чилланинг изғиринли кунларидан бирида Чиноз туманига йўл олдим. Туман аҳолисининг ҳаётини ўрганар эканман, йўл бўйидаги гуллар, дарахтлар ва панжараларга кўзим тушди. Яратганнинг бу мўъжизасани кўриб, лол қолмасдан илож йўқ. Аввал уни қиров деб ўйладим, лекин қировга ўхшамасди. Бу айнан булдуруқ эди.



Халқимизда: “Бир булдуруқ уч қорга татийди”, деган нақл бор экан. Бу ҳодиса куз-қиш мавсумларида совуқ оқим чекингандан сўнг юзага келар экан. Антициклон перефериясида ҳавода нисбий намликнинг ўта юқорилиги, ҳудудга хос сезилар-сезилмас шамоллар ҳамда ҳаво ҳарорати ўн даражадан паст совуқ бўлган пайтда кузатилади. Бу пайтда ҳавода сув буғининг қаттиқ ҳолатга ўтиши кўзга ташланади. Натижада, заррачалар енгил шамол таъсирида дарахт шохлари, майса ва симёғочларга ёпишади.

Булдуруқнинг фойдали томонлари кўп. Тоғлар, чўллар, боғларда қишлаётган зараркунандаларга қирон келтиради. Натижада ер юзида тўкин-сочинлик, мўл-кўлчилик бўлади. Демак, сиз суратда кўриб турганингиз айнан ўша булдуруқ деб ном олган табиат ҳодисасининг ўзига хос мўъжизаси.

Изғиринли кунларда нафақат инсонлар, балки ҳайвонот ва наботот олами ҳам анча азият чекиши бор гап. Кузатган бўлсангиз, турли тоифадаги қушлар кўринмай қолди. Уларнинг озуқаси ҳақида ўйлайдиганлар озчиликни ташкил этади, десам муболаға бўлмайди. Ҳовлимизда у ёқдан-бу ёққа галагала бўлиб учиб юрадиган мусича, чумчуқ, каптарлар кўринмай қолди. Бир куни набирам билан қушларга озуқа қўйдик. Бир-икки кун қушлардан дарак бўлмади. Орадан озроқ вақт ўтиб қушлар биз қўйган озуқага тортинмасдан келадиган бўлди. Қушларни кузатар эканман, табиатда ҳар бир жонзотнинг ўз ўрни борлигига ишонч билан яшаш инсонларнинг эзгу мақсади бўлиши керак, деган фикрга келдим.

Даврон АҲМАД
Муаллиф олган суратлар.

Ўтган ҳафтанинг сўнгги кунлари санъат ва маданият аҳли учун ҳаяжонли кечди, десак муболаға бўлмайди. Зеро, 28 январь куни илк бор “Янги Ўзбекистон юлдузлари” маданият ва санъат миллий мукофоти танловининг ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Миллий мукофотга номзодлар театр, цирк, мусиқа соҳасининг эстрада, анъанавий, академик, фольклор, бастакорлик, композиторлик, рақс, шунингдек, тасвирий ва амалий санъат, бадиий ижод ва маданият ҳамда санъатнинг бошқа йўналишларида фаолият юритаётганлар орасидан 20 та йўналиш бўйича саралаб олинди. “Энг муҳими, номзодлар кенг жамоатчиликнинг онлайн овоз бериши орқали аниқланди, – деди Маданият ва туризм вазири О.Назарбеков номзодларни тақдирлаш маросимида. – Аниқроғи, ўз йўналишида “Энг яхши” деб топилганлар халқимиз томонидан баҳоланди”.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЮЛДУЗЛАРИ



Танлов ғолибларининг асосий қисми ёш ижодкорлар. Бу юртимизда ёшларга берилаётган эътибор, имконият ва эътирофнинг ёрқин мисолидир. Бу ҳақда Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театрининг истеъдодли ёш актрисаси Гуласал Раҳмонова шундай деди: “Очиғи, мен бугун ғолиблар сафида бўлишимни кутмагандим. Шу сабаб исмим эълол қилинганида ҳам ҳаяжонландим, ҳам ғурурландим. Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театрда ишлаб, ижро этган ролларим, шунингдек, Андижон ёшлар театри саҳнасида яратган Тўмарис образи халқимиз, санъатсевар инсонлар томонидан эътироф этилганидан миннатдорман”.

Ўзининг истеъдоди, меҳнати, изланишлари туфайли Янги Ўзбекистон юлдузларига айланган Жамила Шермуҳамедова (маънавият тарғиботчиси), Гулбаҳор Эркулова (анъанавий хонанда), Фарҳод Жўраев (кутубхоначи), Зебинисо Шарипова (рангтасвир рассоми), Ботиржон Эргашев (шоир), “Сўғдиёна” ўзбек халқ чолғулари камер оркестри, Асқар Холмўминов (театр режиссёри), Ботир Ҳакимов (ҳайкалтарош), Умид Исроилов (опера ижрочиси), Аброр Муҳиддинов (театр актёри), Гуласал Раҳмонова (театр актрисаси), Нилуфар Усмонова (эстрада хонандаси), Дилноза Ортиқова (раққоса), Дониёр Юнусов (созанда), Хушнуд Солижонов (анъанавий хонанда), Вероника Стежка (цирк артисти), Жалолиддин Аҳмадалиев (хонанда), Нодир Умаров (бастакор) Улдавлет Серсенбаева (бахши) ва “Artist” телелойиҳаси ижодкорларини барча мухлислар номидан табриклаймиз.

Ўз ахборотимиз

Гул кўп, чаман кўп

«Уста ва Маргарита»нинг йўқолган талқини

“Уста ва Маргарита” романи сирларга бой асар. Уни экранлаштириш жараёнларида узилишлар, актёрларнинг ўзига берилган ролни рад этиши сингари воқеалар юз берган. Асарни саҳналаштиришда ҳам кўплаб муаммолар юзага келган. Айрим киночилар эса, асарга ёндашишдан чўчиган.

Режиссёр Юрий Кара ўтган асрнинг 90-йилларида мазкур асар асосида янгича талқиндаги фильмни суратга олган. Бу картинани 1994 йили экранга чиқариш режалаштирилган. Айтишларича, намойиш вақтини камайтириш учун, қайта ишланади. Бунинг оқибатида режиссёр ва продюсер ўртасида суд можаролари бошланиб кетади. Кинолентанинг ягона нусхаси продюсерлик компаниясининг ҳавфсизлик хизмати бошлиғига сақлаб туриш учун топширилади. Бошлиқ эса, бевақт оламдан ўтади.

Картина узоқ йиллар топилмайди ва ниҳоят, 2011 йилга келиб экранга чиқарилади.

Фалсафий суҳбат

Л. Н. Толстойнинг ўғли Илья Львович бир куни суратқаш дўсти Протасевични отасининг ижодхонасига таклиф қилади. Машҳур ёзувчи билан юксак фалсафий мавзуларда суҳбатлашиш керак, деб ўйлаган суратқаш сўрайди:

– Лев Николаевич, Худо борми, йўқми?

Толстой бироз сукут сақлагач, тилга киради:

– Айтинг-чи, сиз заррабинга қараганмисиз?

– Қараганман.

– Унда нималарни кўргансиз?

– Бир томчи сувда саноқсиз жониворларни.

– Ўша жониворларнинг биридан Калуга деган жойда Протасевич деган йигит борми, деб сўраса, нима деб жавоб берган бўларди?..

Рицарлик романларининг «қотили»

XVI аср охирлари ва XVII аср бошларида рицарлик романлари Испаниядаги адабиёт мухлисларининг ақлу ҳушини ўғирлаган эди. Император Карл V уларни эътибор билан ўқиб борар, Филипп II эса, сарой тантаналарида дарбадар рицар либосида пайдо бўларди.

Ишонарсиз сюжетлар, қаҳрамонларнинг бемаъни хаёлий қаҳрамонликлари, сеҳргарлар, фаришталар, оловли кемалар, тили саёз, сохта бўлган бу тахлит асарларнинг устидан кулган Сервантес “Дон Кихот” романида XVI аср Испаниясининг айрим урф-одатларини ҳаққоний ва гўзал тасвирлайди.

“Дон Кихот”нинг биринчи қисми эълон қилингандан сўнг бироңта рицарлик романи нашр этилмаган экан.

Саҳна ҳукмдори

XVI – XVII асрларда испан театри юксак чўққига эришган. Жаҳон драматургияси осмонида Сервантес, Кальдерон ва Лопе де Вега каби юлдузлар кўзни қамаштириб порлаган.

Уларнинг орасида Лопе де Вега сермаҳсул бўлиб, 1500 та пьеса яратган. Сервантес бежиз: “Оламда мўъжиза содир бўлди – эндиликда саҳнанинг ягона ҳукмдори – буюк Лопе де Вегадир ва у олий табақали актёрларгача – барча артистларни бирваракайига ўзига бўйсундирди”, демаган.

Саҳна ҳукмдорининг ҳурмати баландлигидан унга дуч келган аслзодалар ва ҳатто, Испания қироли ҳам извошдан тушиб таъзим қилган.

МАҲОБАТЛИ ТАСВИРЛАР

Пойтахтимиздаги Марказий кўргазмалар залида таниқли рассом Максим Вардаяннинг ретроспектив кўргазмаси очилди. Унда рассомнинг охирги ўн икки йил давомида яратган йигирмадан ортиқ асари ўрин олган.

М.Вардаян Тошкент шаҳрида туғилган. Рассомнинг илк ижодий изланишлари пойтахтда бошланиб, кейинчалик Россия ва Европа мамлакатларида давом этди. Франциядаги узоқ йиллик фаолиятидан сўнг, юртига қайтган рассом ижод услубини, мавзусини тубдан ўзгартирди.

– Мен Парижда кўп йиллар давомида бозор эҳтиёжига мувофиқ ишладим. Кейинчалик буларнинг барчасидан чарчаб, ҳаммасини ташлаб, ўзим учун ижод қилишга қарор қилдим, ўз меҳнатимга бўлган қарашларимни ўзгартирдим, – деб таъкидлайди М.Вардаян.

Рассом асарларининг маҳобати ва ундаги турли нақш, шакл, чизиқларнинг ўзига хос уйғунлиги миллий матоларимизга ўхшаб кетади. Рассом атроф олам ҳақидаги қарашларини томошабинларга етказишда қизил, қора ва бошқа рангларнинг мутаносиблигидан унумли фойдаланган. Унинг бир асари маҳобатли гуллар ўсаётган гулзорга ўхшаса, яна бири тарихни, ўтмишни эслатади, томошабинни чуқур уйлантиради. Рассомнинг асарлари Франция, Бельгия, АҚШ, Буюк Британия ва Япония каби давлатларнинг галереяларида намойиш этилган, картиналари шахсий коллекцияларда, шу жумладан, Жон Гальяно, Паоло Поверси, Кендзо Такада, Армандо Вентилонинг тўпламларидан жой олган.

Сарвара ҚОСИМОВА

кутилмаган меҳмон

ҲАНГОМА

Тошкентнинг қоқ марказидаги мавзеда яшаётган хонадонларнинг бирига меҳмон келди. Узоқ йиллардан бери кўришмаган собиқ куролдошлар бир-бирларини бағриларига босиб кўришишди. Мезбон меҳмонни ичкарига таклиф қилар экан, шароитдан бироз хижолат чекди. Дастурхон атрофидаги суҳбат қизигандан қизиб кетди.

– Хўш жўра, Сибирда нима гаплар.

– Сибир ўша-ўша. Совуқ, қор, бўрон, шамол, ҳаммаёқ яхмалак... Бир нарса сўрасам майлими, ўртоқ?

– Сўра, сўрайвер, жавоб беришга тайёрман, жўра.

– Анча йил илгари Тошкентдаги қиш таърифини айтганингда ишонмаган эдим. Келдиму лол қолдим. Мени алдамаган экансан.

– Бизда ёлғон бўлмайди, жўра, бўлмайди.

– Нега қоронғида ўтирибсан.

– Битта мен эмас, ҳамма шундай зимистонда.

– Сабаби нимада? Қишга тайёргарлик бўлмаганми?

– Бўлган, жўра, бўлган. Лекин натижа бўлмаган.

– Газ ҳам йўқми?

– Гоҳида газ деган сўзни эсдан чиқариб қўямиз. Чунки бизга аҳамияти йўқ.

– Сув борми ишқилиб, ўртоқ?

– Сув бор. Лекин у ҳам кунлар исиганда келади. Яна саволлар борми? Тортинмасдан беравер. Жавоблар бизда ҳамиша олдиндан тайёр туради.

– Нима дейишни ҳам билмай қолдим. Ҳақиқатда сизларда қиш бўлар экан. Сен айтган чилла дегани қачон кираркан?



– Ўртоқ, ҳозир шу чиллада ўтирибмиз. Кўряпсан, газ йўқ, свет йўқ, сув йўқ. Шамол, кўчалар яхмалак. Машиналарга ёқилғи, айрим одамларга фаросат етишмайди. Нимасини айтай, жўра.

– Сен айтган ҳалиги, нима эди-я, чилладан кейин нимадир бўлади, деган эдинг?

– Ҳилла-ми?

– Ҳа, ўша ҳилла қачон бўлади?

– Ҳиллани бошланганига анча бўлган. Фақат уни кўриш учун чекка қишлоқларга, овулларга бориш керак. Ишқилиб у ердагилар омон-эсон қишдан чиқиб олишсин-да. Менингча, саволларни бериб бўлдинг, шекилли. Энди тур ўрнингдан. Ташқарига чиқамиз. Ҳозир сенга бирор егулик ҳам қўя олмадим. Эсингда бўлса, шундай шароитда ўзбеклар тўй қилади, ош беради, деган эдим. Бир шуни кўрсатиб қўяй.

– Ҳай, ўртоқ. Сен яна бир нарса деган эдинг. Ҳалиги, мушук ҳақида.

– Ҳа, бу ерларда мушукни топиш осон эмас. Чунки атрофдаги баланд қаватли уйлар кўпайиб кетгани сабаб ҳатто мушукларга ҳам бемалол юриш анча мушкул бўлди, чамаси. Агар кўраман десанг, албатта, чекка овулларга олиб бораман.

– Эсингда бўлса, ўшанда ҳам ҳилла деганингда, бўлди, керак эмас дегандим. Ўша гапимда тураман, ўртоқ. Ҳиллани майли кўрмай қўяқолай.

– Хўш, жўра, қандай экан? Бизнинг қиш ёқдими сенга?

– Сен тўғри гапирдинг, мен ҳам тўғрисини айтайми?

– Майли, қани айт-чи.

– Ростини айтсам, менга ёқмади. Сабаби бизда газ бор, свет бор, сув бор, шамол бор. Еб-ичишга гап йўқ. Яшашга шароит во! Хуллас, ўртоқ бизга рухсат. Тезроқ кетмасам анови ҳилла деганинг келиб қолмасин. Ёмонам қўрқаяпман, ўртоқ.

– Сенга бир савол. Ўша пайтдаги қиш, совуқ, шамол, бўрон, яхмалак ҳали ҳам борми? Агар шундай бўлса, сизлар билан яшасаммикан, дегандим-да, нима дейсан, жўра?

Оққа кўчирувчи:
Асрор СУЛАЙМОНОВ.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси жамоаси Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азимга ўғли

Улуғбек АЗИМОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Ҳамкоримиз: Anzo akfa

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳумоюн АКБАРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Шуҳрат АЗИЗОВ
Саҳифаловчи: Нигора ТОШЕВА

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адади - 1084. Буюртма Г - 238.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А- 2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

”Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 21.35.

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
Сотувда нархи эркин.

ISSN 2181-614X